Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 12-noyabr, chorshanba | № 91 (7596)

Da'vat

Olim qilmoqchi bo'lgan ishni bajargani hamono unutsin va endi ertayu kech yana qilishi lozim bo'lgan ishni o'ylasin.

Iogann FIXTER

Ibrat

Do'stlik tumanidagi 12 ta fermer xo'jaligi bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi hisobiga salkam 7,5 million so'm mablag' o'tkazib berdi.

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

ТАНЛОВ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

УЛАР ЯНА ТАЖРИБА -СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Кейинги йилларда Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактаблари учун Осиё Ривожланиш Банки (ОРБ) лойиҳаси доирасида дарсликлар ва методик қўлланмалар танлов асосида яратилмоқда.

2003-2004 ўқув йилида худди шундай танловлар асосида география фанидан 5-8-синфлар бўйича дарсликлар ва методик қўлланмалар яратилди. Булар: 5-синф учун "Табиий география бошланғич курси" (П.Муломов, Р.Қурбоннниёзов) дарслик ва методик қўлланма. 6-синф учун "Материк ва океанлар табиий географияси" (А.Соатов, А.Абдулқосимов, Р.Қурбонниёзов) дарслик ва методик қўлланма. 7-синф учун "География" (П.Муломов, Ҳ.Ваҳобов, П.Баратов, М.Маматқулов) дарслиги ва П.Муломов Ҳ.Ваҳобов, Р.Қурбонниёзов, М.Тиллабоевалар муаллифлигидаги методик қўлланма. 8-синф учун "География" (П.Мусаев, Ж.Мусаев) дарслиги ва методик қўлланма. 8-синф учун муқобил "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси" (А.Солиев, Р.Қурбонниёзов) дарслиги ва методик қўлланма.

Айтиш жоизки, ушбу янги авлод дарсликлари география фани бўйича ДТС ва ўқув дастурлари талаблари асосида яратилган. Уларнинг яратилишида аввалги дарсликлардан яққол фарқ сезиладиган ҳолда илғор педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия ишларини ташкил этишнинг янгича усуллари эътиборга олинган.

5-синф учун яратилган "Табиий география бошланғич курси" дарслиги мавзулар баёнининг ихчамлиги, жозибадор ранглари ва ўқувчилар диққатини жалб этувчи иллюстрациялари ҳамда дизайни билан аввалги дарсликдан ажралиб туради.

(Давоми 3-бетда)

Янги ўқув йилида Наманган вилояти Чуст туманидаги Зовутхон қишлоғида замонавий мактаб қад ростлади. Ушбу таълим маскани 360 ўринли бўлиб у Наманган вилояти капитал қурилиш бошқармасининг 6-кўчма колоннаси қурувчилари томонидан қуриб битказилди. Мактаб синфхоналарини жиҳозлаш учун қишлоқ тадбиркорлари, маҳалла-кўй ва ота-оналар ҳам ёрдам кўрсатишди.Жумладан,тадбиркор Абдулла Маматов синфхоналар учун 300 минг сўмлик пардалар олиб берди. Вилоят ХТБ эса ўқув муассасасини ўқув жиҳозлари билан таъминлади.

Суратда: Янги мактабнинг умумий кўриниши.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

НАФАҚАГА ЧИҚҚАН ЎҚИТУВЧИ
у нега яна мактабга қайтди?
2-бет

БОҒЧА БОЛАСИНИНГ ОВҚАТИ
унинг сифатига ким кафил?
3-бет

O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARI
4-бет

АЁН ДУНЁ СОЛИКЛАРИ
АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ КОМИЛ ИНСОН ҲАҚИДА
5-бет

СУВ ВА ҲАЁТ
6-бет

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИДА ИНТЕРНЕТ
7-бет

«МАҲОРАТ» КРОССВОРДИ
8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 10 noyabr kuni Oqsaroyda AQSh davlat kotibining Evropa va Evroosiyo masalalari bo'yicha yordamchisi Elizabet Jons xonimni hamda AQSh davlat kotibining demokratiya, inson huquqlari va mehnat masalalari bo'yicha yordamchisi Lorn Kreynerni qabul qildi.

* * *

Shu kuni mehmonlar O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vaziri Sodiq Safoev bilan ham uchrashuvda bo'lishdi.

QASAMYOD

"Jar" sport sog'lomlashtirish majmuida Ichki ishlar vazirligining harbiy diplomatiya, yurist-prezidentsiya va jangovar san'at maxsus maktabi kursantlarining tantanali qasamyod qabul qilish marosimi bo'lib o'tdi.

ANJUMAN

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasida milliy adabiyotimizning atoqli namoyondalaridan biri — shoir, dramaturg, adabiyotshunos va tarjimon Maqsud Shayxzoda xotirasiga bag'ishlangan adabiy anjuman bo'lib o'tdi.

YANGI BOJXONA MAJMUI

Amudaryoning o'ng sohilida — "Termiz-Hayraton" ko'prigi oldida Markaziy Osiyoda eng yirik "Ayritom" bojxona majmui ishga tushirildi.

YANGI KOMPYUTERLAR

Buxoro davlat universitetining akademik litsey va kasb-hunar kollejlari pedagoglari malakasini oshirish hamda qayta tayyorlash fakultetining kompyuter xonasiga Osiyo Taraqqiyot Banki kreditiga sotib olingan zamonaviy "Pentium"lar o'rnatildi.

(Davomi 2-betda)

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining 60 yilligi oldidan

ФАН — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Илму фан, маърифат, зиё минг йиллар давомида инсоният тараққиёти йўлини сўнмас машъал бўлиб ёритиб турибди. Бугунги кунга келиб илм-фан янги замон цивилизацияси тараққиётида, инсоният тақдирида қудратли омилга айланди.

Қайси мамлакатда тинчлик бўлса, осойишталик ҳукм сурса, у ерда илму фан, маданият ҳам гуллаб-яшнайди. Жамиятда ўрнатилган тинчлик, осойишталик илм-фаннинг ривожланишига, техника, технология ва иқтисоднинг юксалишига олиб келади, ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий қудрати илму фаннинг ривожини таъминлаб беради. Шу тариқа тинчлик, илм-фан, иқтисодиёт диалектик яхлит бир жараёнга айланади. Айниқса, бу иқтисодиёти юқори ривожланган Европа мамлакатларида, АҚШ, Япония ва бошқа давлатларда ёрқин намоён бўлди, натижада илм-фан миллий эътибор даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон илм-фани ўзининг салоҳиятига кўра жаҳон илмий ҳамжамиятида нуфузли ўринга эгадир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фаннинг ривожланиши учун чинакам ижодий муҳит яратилди, илм-фан ривожига устувор вазифалардан бири сифатида қаралди. Мамлакатимиз келажаги илм-фан тараққиёти билан чамбарчас боғланиб кетди. Мазкур жараёнларда Фанлар академиясининг ўз ўрни бор. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак».

Ўзбекистон Фанлар академияси бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ривожланиши ва жамиятимизнинг маънавий юксалишига хизмат қиладиган илмий тадқиқотларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 2003 йил 28 октябрдаги қарори мамлакатимиз илм-фани янада юқорироқ босқичга кўтарилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини нишонлаш рамзий аҳамият касб қилиш билан бир қаторда у ўзбек фанининг илдизлари теран эканлиги, мингйилликлар қаърига бориб тақалишининг эътирофи ҳамдир.

Ўзбек фанининг иқболи халқимиз, мамлакатимизнинг менталитетидан — яратувчанлик, янгиликка интилувчанлик, ижодий ишларга мойиллигидандир. Бу тарих давомида бир неча бор ўз исботини топган ва ўз ҳосилини берган.

IX-XI асрларда халқимиз яратган, минг йиллар давомида сайқалланган илмий-ижодий муҳит натижасида юртимизда ўта ноёб тарихий жараён — Ренессанс юз берди ва у «Уйғониш даври» номи билан тарихга кирди. Дунё илм-фани ёрқин юлдузлари, юртимизда туғилиб вояга етган ўнлаб даҳоларимиз — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбеклар ўзбек фани пойдеворининг биринчи ғиштларини қўйдилар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарихи минг йилларга тенгдир.

Буюк математик Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» асарининг қисқартмасидан «алгебра», унинг «ал-Хоразмий» нисбасидан «алгоритм» атамалари юзага келган.

Иккинчи бир юртдошимиз Аҳмад Фарғоний Европада Алфранганус номи билан машҳур бўлиб, илк бора осмон жисмлари ҳаракатини ўрганди ва астрономия илми асосларини яратди. Абу Райҳон Беруний эса буюк қомусий олим бўлиб, дунёда биринчи бўлиб ер радиусини аниқлади, унинг қуёш атрофида айланишини тахмин қилди. Беруний Христофор Колумбдан бир неча юз йиллар аввал океаннинг нариги томонида қуруқлик, яъни ҳозирги Америка қитъасининг мавжудлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Абу Али ибн Сино Европада Авиценна номи билан машҳур бўлиб, замонавий тиббиёт фанига асос солди.

Буюк юртдошларимиз Европа илмининг, хусусан, қадимги юнон олимлари— Платон, Аристотель, Гиппократ, Сократ, Голен каби даҳоларнинг асарларини Марказий Осиёга олиб кирдилар, шу тариқа христиан ва ислом оламини илк бора бир-бирига қарамақарши қўймасдан, уларнинг ҳамкорлигини, илмнинг яхлитлигини таъминладилар. Бу уларнинг инсоният цивилизацияси олдидаги буюк хизматларидан биридир.

(Давоми 3-бетда)

Мамлакатимиздаги мавжуд газета ва журналларга 2004 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Халқ зиёлилари газетаси — «Маърифат»нинг ҳам нашрлар орасида ўз ўрни бор. Андижонлик зиёлилар, халқ таълими ходимлари ўз «Маърифат»ларини севиб ўқийдилар. Биз биринчилардан бўлиб газетага обуна бўлган мухлисларнинг газета ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

«МАЪРИФАТ» — МАҚСАДИДА СОБИТ ГАЗЕТА

Андижонлик мухлисларнинг фикри шундай

Жўрабой ХАЛИЛОВ, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти маънавий-маърифий ишлар проректори:

Газетанинг ашаддий мухлисиман десам, муболаға бўлмас. Чунки, «Маърифат» газетасига салкам 40 йилдан буён обуна бўламан. Педагоглик фаолиятимда ҳам, раҳбарлик лавозимларимда газета доимий ҳамроҳим, маслакдошим бўлиб келмоқда. Ўзбекистон халқ таълими тизимининг ҳақиқий кўзгуси бўлган «Маърифат»нинг ҳар бир сони муаллимлар учун ажойиб дастуриламал ва муҳим қўлланмадир. Ўз меҳнати, изланишлари, муваффақиятлари билан эл назарига тушган муаллиму мураббийларнинг эришган ютуқларида газетанинг ҳам муносиб ўрни борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, «Маърифат» ўз мақсадига доимо содиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида кўплаб газеталарнинг маблағ кетидан қувиб, шов-шувли, мазмунан саёз, ўткинчи, газетхоннинг бир лаҳзалик эътиборини тортадиган мақолаларни чоп этиши одатга айланиб қолди. Лекин «Маърифат» ўз йўлидан бир дам ҳам чекингани йўқ. У зиёли, муаллим ва мураббийларга маданий-маърифий, одоб ва ахлоқ, таълим-тарбия борасида доимий йўл кўрсатувчи маёқ сифатида фаолият кўрсатмоқда. Мен севимли газетамизнинг худди шу йўлини қадрлайман ва қўллаб-қувватлайман. Газетага обуна бўлган одамнинг билимдон, ҳар томонлама мукаммал

Ҳақиқатан ҳам газета йилдан-йилга маъно ва мазмун жиҳатидан бойиб бормоқда. Мен газетанинг мухлиси ва муаллифларидан бири сифатида шуни айтишим мумкинки, айни пайтда газета саҳифаларида аниқ мақсадли мақолалар чоп этилмоқда. «Маърифат» учун юбораётган мақолаларим орасидан ўзим меҳр қўйган, қалб қўри билан ёзган, кўпчиликка нафи тегиши мумкин бўлганларининг тез фурсатда чоп этилаётгани ҳам газета ижодий жамоасида ҳар бир хабар ёки лавҳага эътиборнинг жиддий эканлигини англатади. Севимли газетамиз жамоасига ҳамиша мукаммал ижод тилайман.

Каримжон МЎМИНОВ, Балиқчи туманидаги 39-мактаб кимёбиология фани муаллими, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:

— Менинг мана шундай юксак унвонга эришишимда газетангизнинг ўрни беқиёс. Кўп йиллардан буён севимли нашримиз «Маърифат»нинг доимий мухлиси ва муаллифларидан бириман. Халқ таълими соҳасидаги янгиликлар, муаллим ва мураббийлар эришган ютуқлар тўғрисида икки қатор бўлса-да, «Маърифат»га хабар йўлламасам, баъзан ўтган куним бесамар кетганга ўхшайди. Газета шундай қудратли кучки, унга бошқа бирон нарсани тенглаштириб бўлмайди.

Биргина таклифим, «Маърифат»имиз ижодкорлари оддий, фидойи, камсуқум муаллимларимиз ҳақида ҳам кўпроқ ёзишсин. Илиқ сўз, озгина ширин калом ҳар қандай инсонни фидойиликка ундашига, забардаст ва қудратли ишларни амалга оширишга кўмаклашишига ишонаман.

Фикрларни О.СИДДИҚОВ ёзиб олди.

O'qituvchi yon daftariga

YIG'I VA SOG'LIQ

«Sog'lom bo'lay desangiz—yig'lang» deyishmoqda fransiyalik mutaxassislar. Ularning fikricha, yig'i nafaqat asablarni yumshatadi, balki organizmdagi zararli unsurlarni ham olib chiqib ketadi.

SHUNAQASI HAM BO'LADI

1774—1849 yillarda Italiyada yashagan Jozeppe Kaspir Metssofanti ismli kishi ko'p tilni bilishi bilan tarixda qolgan. U, 60 tilda gaplashib, 114 tildan tarjima qila olganligi haqida ma'lumotlar bor.

HARAKATNING XOSIYATI

Piyoda yurish sog'liqqa foydali ekanligini bilamiz. Misrlik doktor Ason Abdulg'ani tadqiqotlar o'tkazib, har kuni yarim soatdan yayov yurib turish qon quyulishining oldini oluvchi eng yaxshi chora, degan xulosaga keldi.

— Darsliklar muhokamasiga kengroq o'rin berilsa, bu darsliklarning puxtalashib borishiga ko'mak berardi.

S.Imomov nomidagi 11-maktab direktori Toshkanboy aka Egamberdievning aytishicha, ta'lim muassasasidagi 63 nafar pedagog xodimdan 43 tasi "Ma'rifat" gazetasiga 2004 yil uchun obuna bo'libdi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

KONFERENSIYA

Oliy Majlisning agrar, suv xo'jaligi masalalari va oziq-ovqat qo'mitasi, Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi va "Davsuvxo'jaliknazorat" inspektsiyasi tashabbusi bilan "Gidrotexnika inshootlari xavfsizligini ta'minlashning ilmiy-texnik va huquqiy asoslari" mavzuidagi respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasining ikkinchi bosqichi bo'lib o'tdi.

EKSPORT HAJMI OSHMOQDA

Chirchiq shahridagi "Elektrkimyosanoat" aktsiyaonerlik jamiyati Eron islom respublikasiga 15 ming tonna ammoniy sulfat yetkazib berish yuzasidan shartnoma imzolagan edi. Shu kungacha ma'danli o'g'it yuklangan 140 vagon Eronga yetib bordi.

AQSH QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRI SAMARQANDDA

Samarqandga Amerika Qo'shma Shtatlari qishloq xo'jaligi vaziri Enn Veneman xonim rahbarligida delegatsiya tashrif buyurdi. Tashrifdan maqsad mamlakatlararo iqtisodiy hamkorlikni kengaytirish va qishloq xo'jaligi sohasiga oid qator loyihalarni birgalikda amalga oshirish imkoniyatlarini o'rganishdan iborat.

"Ma'rifat" gazetasi kunlari

ГАЗЕТАНИ ҲАМКОР ДЕБ БИЛИБ...

СИРДАРЁ

— Газетада ўсмирлар тарбиясига оид мақолалар, хусусан, битирувчи синф ўқувчилари учун тестлар, касбга йўналтирувчи маслаҳатлар ҳам кўпроқ берилса, ўқувчи кутубхонадан чиқмай ўқирди.

— Вилоятлар, чекка туманларга эътибор кучайтирилса...

— Янги педагогик технологиялар асосида ўтилган дарс намуналари кенгроқ ёритилса...

Булар Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернати ўқитувчилари ва ўқувчиларининг "Маърифат" газетаси хусусида билдирган фикрларидан бир қисми. Қуйидагилар эса, шу шаҳардаги "Кувонч" боғча-мактаб мажмуаси жамоасининг таклиф ва мулоҳазалари:

— Дарсликлар муҳокамасига кенгроқ ўрин берилса, бу дарсликларнинг пухталашиб боришига кўмак берарди.

— Ибратли мактаблар фаолияти кўпроқ ёритилишини хоҳлардик.

— Ёш ўқитувчиларда газетанинг методик ёрдамига эҳтиёж катта.

— Тарбияда аёлнинг ўрни ва вазифалари хусусида мақолалар бериб борилса...

"Маърифат" газетаси кунлари доирасида сирдарёлик муштарийлар билан учрашганимизда, улар газетага самимий муносабатларини билдирган ҳолда, шу каби таклиф ва истакларини ҳам айтиб ўтишди. Муштарийларнинг газетамизга бўлган жиддий эътибори ва эҳтиромини кўриб, рости, қувондик. Улар газетадаги ҳар бир мақолага эътиборли. "Дарсларимизда ҳам ушбу газетанинг кўмагини сезамиз", дея таъкидлашади. Газетхонларимизнинг газетани ўзларига дўст, ҳамкор сифатида қабул қилишлари бизни ўз меҳнатимиздан қониқтирса-да, уларга зарур бўлган, ҳали "очилмаган қўриқ" бўлиб турган мавзуларнинг ҳам борлиги таҳририят ходимларини янада жиддий ишлашга ундайди.

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган "Маърифат" газетаси кунларида Саодат Файзиева, Гулчеҳра Маманбоева, Раъно Жомуратова, Одил Мингжигитов, Дилором Шарипова, Зулфира Аҳмедова, Сабоҳат Миржалилова, Манзура Ҳамроева, Зуҳра Раззоқбергенова, Махфират Каримова каби фаол ва ўз касбининг билимдони бўлган мураббийларни ўзимиз учун кашф этдик.

Икром БЎРИБОЕВ,
Суратларда: учрашувдан лавҳалар.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



ФАРҒОНА

Мамлакатимизнинг турли бурчакларида, энг чекка туманларида "Маърифат" газетаси кунлари бўлиб ўтаётганидан муштарийларнинг ҳам хабари бор. Ана шундай бевосита учрашувлар Фарғона вилояти миқёсида айниқса, амалий жиҳатдан самарали кечди. Вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари билан жонли мулоқотда бўлган "Маърифат" ходимлари ўқитувчи ва мураббийлардан газетанинг келгуси режалари учун жўяли таклифлар олди. Учрашувларда муштарийларнинг газетага жиддий муносабатда эканлиги, ҳар бир эълон қилинаётган материал уларнинг эътиборида эканлиги яққол сезилиб турди.

Ижодкор, изланувчан муаллимларимиз "Маърифат"ни ўз иш фаолиятларида маслакдош, услубий кўмакчи деб билади. Газетанинг бу жиҳатдан амалга ошираётган ишларидан миннатдор ҳолда улар янги педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш, ўқувчилар ўзлаштиришида юқори самарадорликка эришиш тажрибаларини кенгроқ ёритиб бориш мунтазам йўлга қўйилишини қайта-қайта сўраб қолдилар. Шунингдек, таълим ходимлари ижтимоий муҳофазасини таъминлаш масаласи ва уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда газета бундан буён ҳам амалий ёрдам, кўмак беришига ишонч билдирдилар. Газета ходимларининг Фарғона сафари таълим муассасаларида I чорак якунини муносабати билан таътил кунларига тўғри келди. Бу пайтда кузнинг ҳар бир қуёшли кунини ғанимат билган киши ўзи яшаб турган ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ҳосилини йиғиб олишда ёрдамга шошилади. Бувайда туманининг пахта далаларида умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва ўқитувчилари билан "Маърифат"чиларнинг юзма-юз мулоқотлари узоқ вақт хотираларда сақланиб қолса, ажабмас.

А.ТУРСУНАЛИЕВ

НАМАНГАН

"Маърифат" кунлари Наманган вилоятида ҳам ишчан кайфиятда ўтди. ВПҚТМОИдан бошланган ижодий учрашувлар туманларда давом этди.

Наманган туманининг энг чекка ҳудуди — Олаҳалоак қишлоғида жойлашган, тажрибалари ва таълим самарадорлиги кўрсаткичлари билан республикага танилган 13-мактаб ҳаёти билан танишдик. Ушбу таълим муассасасидаги таассуротларимизни келгусида батафсил ёзиш ниятидамиз.

"Маърифат" газетасига энг кўп хат йўллайдиган, доимий мулоқотга киришиб турадиган, ижодкор муаллимларнинг макони бўлган Янгиқўрғон туманида бўлганимизда бу ерда чиндан ҳам ўзига хосликлар мавжудлигини илғадик. С.Имомов номидаги 11-мактаб директори Тошканбой ака Эгамбердиевнинг айтишича, таълим муассасасидаги 63 нафар педагог ходимдан 43 таси "Маърифат" газетасига 2004 йил учун обуна бўлибди. Бундай рақамлар ҳар қандай таҳририят ходимини қувонтириши табиий. Бироқ қувониш билан ҳам иш битмайди. Таҳририятимиз ижодкорлари таълим муассасалари жамоалари ўртасида юзага келаётган бундай ишончни оқлашдек масъулиятли вазифани бажариш учун тинимсиз изланаверади.

Наманган вилояти педагогларининг "Маърифат"га тилаклари, таклифлари, талаблари табиий ва самимийлиги билан эътиборимизни тортди. Таҳририятимизнинг келгуси иш режаларини тузишда улар инобатга олинади ва газетани мунтазам кузатиб борувчи муштарийларимиз буни, албатта, илғаб оладилар.

Учрашувлар пайтида сезганимиз таҳририятимизга нисбатан наманганлик муштарийларимизнинг муносабати нечоғли самимий ва дўстона эканлигини таърифлашдан тийилиб, Уйчи туманидаги 25-мактабнинг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Сайёра Қодированинг "Маърифат" деб номланган шеъридан парчани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

"Маърифат" — инсонга зиё элтгувчи,
Уйғоқ юракларни огоҳ этгувчи,
Хоҳ у ёш муаллим, хоҳ кекса бўлсин.
Барига янгилик нурин бергувчи.

Азиз муштарийлар, ўқинг, интилинг,
Бизга мулоҳаза, фикр билдиринг.
Сизга етказамиз бизда борини,
Муаллиф, муштарий дил изҳорини.

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

САВОЛ: Биз ўтган ўқув йилида мактабимиздаги 100 нафар 9-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминладик ва ижара пулини тўладик. Лекин янги ўқув йилида 60 нафар 9-синф ўқувчиси бор. Қолган 40 ўқувчининг дарсликлари учун ижара пулини ким тўлаши керак?

М.АБДУРАҲИМОВ
Қумқўрғон тумани

ЖАВОБ: Ортиқча қолган 40 ўқувчи дарсликларининг ижара пулини ҳеч ким тўламайди, фақат уларни мактаб кутубхона фондига ўтказиб қўймоқ зарур.

САВОЛ: Енгил саноат ва мебелсозлик дизайнерлиги мутахассислиги бўйича қаерда билим олсак бўлади?

М.ИБРОҲИМОВА
Андижон вилояти

ЖАВОБ: Тошкент давлат техника университетининг иқтисод-муҳандислик факультетида саноат дизайнери мутахассислиги бўйича таълим олиш мумкин. Аввал июль ойида расм, рангли тасвир, қалам тасвири, чизмачиликдан биринчи босқич сифатида синов ўтказилади. Бу синовдан ўтганлар август ойида математика ва она тилидан тест имтиҳонлари топширади.

МАНЗИЛ: Талабалар шаҳарчаси, Тошкент давлат техника университети.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Mulohaza

НАФАҚАГА ЧИҚҚАН ЎҚИТУВЧИ

у нега яна мактабга қайтди?

Талабалик давримизда бир таниқли ижодкор билан бўлган учрашувда курсдошларимиздан бири адибга «нега ўқитувчи, муаллимнинг заҳматли меҳнати ҳақида бадиий асар кам» дея савол берган ҳамда бу мавзуда фақат Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романи мавжудлиги, лекин бугунги авлод бу асарнинг ҳам фақат номинигина билишини таъкидлаган эди. Бу борада адибимиздан ҳам жўяли жавоб чиқмаганди ўшанда.

Дарҳақиқат, нега шундай?

Донишмандлардан бири: « Пайдо бўлганида жавоби ўзида бўлмаган саволларга ҳеч қачон жавоб топилмайди», деган экан. Сарлавҳада сўроқ белгиси турибдими, демак, жавоб ҳам бор. Аммо ҳамма гап ўша жавобгача етиб борадиган жараёнда. Келинг, сарлавҳа даражасига кўтарилган ушбу саволнинг пайдо бўлиши ҳақида мулоҳаза юритайлик.

КАСБГА САДОҚАТ НИМА?

ёхуд 100 ёшли ўқитувчи ҳақида биласизми?

Саратоннинг сўнгги кунларидан бирида қишлоққа боришимга (муаллифлардан бири) тўғри келди. Туман марказига етиб боргач, у ердан қишлоққа жўнайдиган автобусга чиққанимда, унда ўн-ўн беш нафар турли ёшдаги киши ўтирар, чамаси, «улов»нинг жўнашига йигирма дақиқалар қолганди. Бўш жой топиб ўтирганимда, ёнимдаги 30-35 ёшлардаги дўппили йигит «ука, бу яқин орада сени кўрмаганман, ҳойнаҳой бошқа жойдан келяпсан-ов», деди мен томонга ўгирилиб. «Ҳа» дедим истар-истамас. Сўнгра у қаддини ғоз тутганча қаердан келаётганим, ким бўлиб ишлашимни суриштира бошлади. Унинг юзимга тикилиб туриб жавоб кутаётганидан сергаклангандай бўлдиму, лекин ўзини таништира бошлагач, бир неча сония олдин кўнглимда кечган «айтиб нима қилдим» деган фикрдан воз кечдим.

— «Ma'rifat» — илгариги «Ўқитувчилар газетаси», шундайми? — деди ўзини Содиқ Сувонов деб таништирган киши.

Шундан сўнг «Тошкентдаги об-ҳаво, нарх-наво қандай» дея яна саволлар бера бошлади. Саволларига жавоб берган бўлдимда, ўзидан қачондан бери савдо билан шуғулланишини сўрадим. «1995 йилдан буён», — деб жавоб берди у. — Унгача тўрт йил Самарқанд шаҳридаги мактаблардан бирида ўқувчиларга бошланғич таълимдан дарс берганман». Анчадан бери бу мавзуда қоғоз қоралашни ният қилиб юрганим учун энди кетма-кет савол бериш навбати менга келган эди: «Нега ўқитувчиликни ташладингиз? Касбга садоқат деган тушунча ҳам бор-ку. Дарахт бир жойда кўкармайдими? Ўтиш давридаги баъзи қийинчиликлар ўткинчи эмасми?» Энди негадир саволларга истар-истамай жавоб бериш кайфияти унга кўчган эди. Бу вақтга келиб автобус ҳам юра бошлаган, йўловчилар ҳам анча кўпайиб қолганди. Шунда мен ўрта ёшлардаги бир аёлга жой бердиму, тураётиб ҳалиги кишига «бу суҳбатни газетага ёзаман-а» деб қўйдим. У ҳам «ёзавер, ука, ёзавер» деди жилмайганча. Лекин суҳбатимиз автобус ичидаги бошқа ғала-ғовурлар туфайли якунланмай тугади. Қишлоққа боргач, эртасига қўшни маҳаллада яшайдиган, узоқ йиллар мактабда муаллимлик қилган, ҳозирда эса бозордаги иши анча юришаётган эру хотин собиқ ўқитувчилардан ҳам бу борадаги фикрларини сўрашни, улар билан бўладиган мулоқотни айнан касбга садоқат қабилидаги савол билан бошлашни режалаштирдим. Бироқ бу режа амалга оширолмай қайтдим.

Дарвоқе, касбга содиқлик тўғрисида икки оғиз. Яқинда таҳририятга Қорақалпоғистон Республикасидан бир мактуб келди. Унда бир отахон юз ёшда бўлса ҳам мактабда ҳафтасига бир соатдан дарс ўтишини айтган эди. У кишининг саксон йилдан бери ўқитувчилик қилаётганини эшитган баъзи кишилар балки бунга ишонмас. Бироқ бу бор гап. Демак, мавзудан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, отахоннинг нафақага чиққанига қирқ беш йил бўлса-да, у ҳамон ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Умрингиз янада баракали бўлсин, отахон! Садоқатингизга балли!

ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ

Хўш, нафақага чиққан ўқитувчи нега ишга қайтди? Жавоб беришга шошилмаганимиз маъқул. Чунки бугун мамлакатимизнинг айрим туманларидаги умумий ўрта таълим мактабларида мутахассис кадрлар етишмаётгани бор гап. Аммо шуни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозимки, ўқитувчилик касби эгасидан тинимсиз изланиш, матонат, улкан сабр талаб қилади. Савол туғилади: хўш, нафақа ёшидаги ўқитувчи ўз ишини давом эттиргач, зиммасига юкланган масъулият оғирлик қилмайдими? Оиласидан ортиб яна дарс беришга тайёрланишга, неваралари эркаликларини кўтаришдан ташқари синфхонадаги 35-40 нафар ўқувчининг ҳар куни атиги биттадан бўлса-да берадиган саволига жавоб беришга куч топа оладимикан?

— Тўғри, — дейди биз билан суҳбатда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 51-мактаб директори Моҳира Турдиева, — нафақа ёшига қадар мактабда ишлаган, ўқувчилар «орасида юрган» ўқитувчи, шубҳасиз, ўз фанининг пухта билимдони, тажрибали мутахассисдир. Назаримда, уларнинг таълими, энг аввало, тарбияда. Одобахлоқли ўқувчи эса фанни ҳам яхши ўзлаштиради. Айни кунда бизнинг мактабимизда 11 нафар нафақа ёшидаги ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Очиғини айтганда, уларнинг кўпчилиги мактаб маъмурияти ёки ота-оналар илтимоси билан мактабни тарк этишмади. Ахир, улар кетса, бу ўринда ким ишлайди? Афсуски, бугунги кунда ёш мутахассисларнинг мактаб эшигини «қоқиш» ҳоллари ноёб ҳодисага айланмоқда. Бу мактабимизда атиги тўрт нафар ёш мутахассис (мактабга уч йил ичида келган ўқитувчи) ишлаётганлигида ҳам кўринади. Аммо кўнгилга бироз илиқлик бахш этадигани шуки, мактабда 14 нафар талабаўқитувчи бор. Бироқ уларнинг ҳам олий ўқув юртини битиргач, мактабда қолишқолмаслиги гумон.

Дарҳақиқат, кўтарилган масала юзасидан ўқитувчининг қайғуриши ўринли. Зеро, нафақа ёшидаги ўқитувчи қанчалик тажрибали бўлмасин, бугунги кунда таълим тизимидаги ислоҳотлар, ўқитишга янги педагогик технологиянинг кириб келиши, унинг дарслик ва ўқув қўлланмаларига ҳам таъсири сезилаётган бир пайтда айрим ўқитувчилар (аксарият нафақа ёшидагилар) саросимада эканлиги рост. Бунинг эса ўз-ўзидан таълим самарадорлигига ҳам таъсири сезилиши, табиий.

Ушбу фикрларга 51-мактаб директори Моҳира Турдиева ҳам қўшилар экан, мактабда гарчи нафақа ёшида бўлса-да, ўз устида ишлайдиган, дарс жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириб, давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилаётган ўқитувчилар бўлиши билан бир қаторда фақат ўрин эгаллаб турган, ўқувчиларни синфхонада «банд ушлаб» туриш билангина чекланиб қолаётганлари ҳам йўқ эмаслигини тан олди. Бунинг сабаби эса, яна юқорида таъкидлангачадан-қанча ўқитувчи фаолиятига ёрдам берадиган нашрлар бор. Уларни ўқиб, ўрганиб дарс жараёнига олиб кирилса, мувафақиятга эришиш, шубҳасиз. Афсусланарлиси, кўпчилик ёш ўқитувчилар тажрибали мураббийлар томонидан ташкил этиладиган очиқ дарсларга ҳам киришмайди. Тўғри, бугун биз ҳам олдингидай натижани бера олмаймиз. Аммо шуни биламанки, дарсга кирдимми, демак, болага нимадир ўргатишим керак, деган мақсадда виждонан ишлайман.

Яна бир жумбоқ. Бугун нега айрим ўқувчиларнинг дарсга кириши, ўқитувчига ҳурмати сусайиб бораяпти? Эҳтимол, бунинг жавоби халқ ўқитувчиси таъкидлаганидек, ўқитувчининг ўз касбига виждонан ёндашмаётганлигидадир.

— Ёш мутахассисларнинг мактабларда ишлашдан юз ўгириш ҳолларининг сабаби, — дейди 51-мактабнинг 70 ёшли она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Зарифа Мўминова, — менимча, уларда сабр-тоқат, босиқлик, касбни севиш туйғуси камлиги ҳамда энг муҳими, педагогика илмидан у қадар теран бохабар эмасликларида, деб биламан. Чунки илм даргоҳига келаётган ёш ўқитувчилар узоғи билан бир-икки йилда ўқувчилар ёки ўқитувчилар билан келиша олмай кетиб қолишади. Шу боис бизнинг мактабимизда «Ёш ўқитувчилар мактаби» ташкил этилган бўлиб, унда ёш мутахассисларнинг тажрибали ўқитувчилар билан ўзаро тажриба алмашиниши йўлга қўйилган. Бироқ бу ишлар ҳам кам назаримда. Ҳабиба Алимова билан суҳбатлашарканмиз, ўқитувчининг «Шу вақтга қадар хоҳ амалиётчи талаба, хоҳ ёш ўқитувчи бўлсин, дарсингизга кирай, нимадир ўрганай деганини эшитмаганман» деган фикрларидан таажжубланиб, бир неча ёш мутахассислар билан ҳам суҳбатда бўлдик. Афсусланарлиси, эҳтимол, улар ўқитувчидан хижолат тортиб, ботиниб дарсга киришга рухсат сўраша олмас, деган ўй билан берган саволимизга айрим ўқитувчиларнинг мактабда ҳатто «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» ишлашини ҳам билмаслиги таажжубимизни оширди. Наҳотки, мактабда ўтказиладиган турли тадбирлар, байрамлар, борингки, педагогик кенгашларида ҳеч курса мактаб раҳбарияти томонидан бир бор бўлсада, бу мавзуга тўхталинмаган бўлса? Дарвоқе, шундай деймизу, бироқ оммавий ахборот воситаларида бу хусусида қанчадан-қанча мақолалар, очерклар эълон қилинганлигини ўйлаб, эҳтимол, мавзу мактабда ҳам кўтарилгандир, бироқ ёшлар яна «ёшлик қилиб» эътибор беришмагандир, деган фикр ўтди хаёлимиздан.

Чунки ёш ўқитувчиларнинг келмаётганлиги боис 70 ёшга кирган бўлсам-да, мактаб раҳбариятининг илтимоси, қолаверса, болаларни севганим учун меҳр қўйган касбимни давом эттиряпман.

Ёш мутахассисларнинг мактабга келмаётганлиги сабаби бир қадар ойдинлашгандай. Аммо шу ўринда масаланинг яна бир жиҳати мавжудлигини ҳам эслаш жоиз. Яъни, олий таълим муассасасини битириб ўз жонажон мактабига қайтган ёш мутахассислар тўлиғича иш билан таъминланаяптими? Уларга ҳеч қандай тўсиқлар йўқми? Яна саволми, дейишингиз мумкин. Лекин саволлар саволлардан туғилади-да. Шунинг учун ҳам улар ўз жавобини кутади.

— Олий ўқув юртини битириб педагогик фаолиятимни бошлаганимга уч йил бўлиб қолди, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Озода Азизова. — Мактабда кўп бўлмайман, чунки бор-йўғи 9 соат дарс юкламасига эгаман. Бу дегани, ҳафтанинг тўрт кунида атиги 2 соат, яна бир куни 1 соат мактабда бўлишимга тўғри келади. Шу боис, очиғини айтадиган бўлсам, мактабга, ўқитувчию ўқувчиларга у қадар қўшилиб кетганимча йўқ.

Юқорида ёш мутахассисларнинг мактабда узоғи билан икки-уч йил ишлаб тарк этаётганлиги таъкидланган эди. Ва бунинг сабаби бошқачароқ талқин этилганди. Эҳтимол, у важ ҳам ёш мутахассиснинг ишдан кетишига туртки бўлгандир. Аммо 4-5 йил ўқиб, олий маълумот олгач, ғайрати тошиб мактаб остонасини ҳатлаган ўқитувчига бор-йўғи 9 соат дарс берилса (баъзида оддий техник ходимлик таклиф этиладиган ҳоллар ҳам мавжуд), устига-устак бу ҳол бир неча ўқув йили мобайнида давом этса, оқибат бундай якун топиши табиий эмасми? Демак, бунда мактаб раҳбарияти, қолаверса, нафақа ёшидаги ўқитувчининг ҳукми одил бўлмоғи лозим бўларкан.

— Ўқитувчи бўлиб мактабга биринчи бор келганимда, — деб хотирлайди 51-мактабнинг 57 ёшли бошланғич синф ўқитувчиси Машҳура Мақсудова, — мактабимизда нафақа ёшида бўлса-да, ишлаётган ўқитувчи бор экан. Шу боис, директор мени ҳузурига чақириб: «Қизим, ўзинг ишлайдиганга ўхшайсан, фақат битта томони бор. Мен нафақа ёшидаги ўқитувчига ишламанг, дея олмайман. Шу боис унинг ўзи ишдан бўшашни истамагунга қадар сенга бир ставка дарс соати ёзамиз. Аммо маълум муддат 0,5 ставкага иш ҳақи тўлаб турамиз» деган эди. Рози бўлдим. Кейинги ўқув йили эса ўқитувчи нафақага чиқди. Мана, 33 йилдирки, битта мактабда ишлаяпман.

Дарвоқе, нафақа ёшидаги ўқитувчига ишлашни ман этиш, албатта, мактаб раҳбари учун анча оғир масала. Бироқ, ёш, билимли ўқитувчи имкониятларидан фойдаланиб қолмаслик ҳам катта хато. Бундай вазиятда ким ҳал қилувчи қарорни қабул қилмоғи лозим?

— Биламан, бугун мен нафақа ёшидаман, — дейди суҳбатимиз давомида М.Мақсудова. — Ёшлардаги шижоатни, дарс ўтишнинг илғор методларини таълимга олиб кираётганларини кўриб қувонаман. Кучим борича улардек ишлашга ҳаракат қиламан. Бироқ менинг ўрнимга ёш ўқитувчи ишга келса, унинг йўлига тўсиқ бўлмаслик учун биринчи бўлиб ташаббусни қўлга олишни бурчим деб биламан. Чунки ўқитувчи ўз манфаатини эмас, болаларнинг келажагини ўйламоғи лозим.

Мулоҳазаларда давом этайлик. Энди ёш мутахассисларнинг мактаб остонасига келишига қадар унинг айни касбни танлаши, меҳр қўйиши учун нима қилмоқ зарур?

— Ўқитувчилик касбини танлашимда, — дейди 51-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси Моҳидил Раҳмонова, — ўқитувчиларимнинг ҳиссаси катта. Чунки улар бизга таълим бериш билан бирга меҳр улашдилар. Ана шу меҳрдан йироқлашишни истамаганлигим боис 2000 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факультетини тугатган бўлсам-да, ўзим ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келдим. Бу йўлни танлаб адашмаганлигимга бугун тобора амин бўлмоқдаман.

Ҳа, инсон табиати қизиқ. Унинг қалбига йўл топа олсангиз, ҳеч қандай моддийлик унинг мақсад-муддаосини ўзгартира олмайди. Аслида юқорида таъкидлаганимиз, қорақалпоғистонлик юз ёшли ўқитувчининг қанчалик машаққатли бўлса-да, мактаб ишидан ҳалигача кўнгил узолмаётганлиги сабаби ҳам шунда эмасми!?

ХУЛОСА

Мақоламиз аввалини бежизга нега муаллим ва унинг заҳматли меҳнати ҳақида бадиий асар кам деган савол билан бошламадик. Зеро, ёшлар қалбида касбга содиқлик, фидойилик туйғуларининг шаклланишида айни воситанинг ҳам ўрни алоҳида. Агар бу туйғу бола қалбига боғчада — мураббий, мактабда — ўқитувчи, уйда — ота-она, бўш вақтда эса бадиий асар билан сингдириб борилса, эҳтимол, бугун муаммо даражасига кўтарилган масала ечим топармиди? Нима бўлганда ҳам муаммонинг ечими, энг аввало, сиз муҳтарам ўқитувчиларнинг қўлида! Шундай эмасми?

Баходир ЖОВЛИЕВ,
Шерали НИШОНОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбирлари

ФАН — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Амир Темур ва темурийлар даврида илму фан, маданият юксакликларга кўтарилди, жаҳоннинг турли бурчакларидан илм излаб, ўша даврдаги салтанат пойтахти Самарқандга интилдилар. Эронлик Муҳаммад Кошоний XV асрда шундай ёзади: «Айни вақтда Кошон ва унинг атрофида бир ёки икки киши илм билан банд бўлишиб, улар фаннинг бирор-бир соҳаси билан машғулдирлар. Шу сабабли бу олимларнинг танишлари ёки дўстлари бу соҳаларни умуман тушунмасалар-да, уларнинг ғояларини сўзсиз қабул қиладилар. Айрим ҳолларда эса уларнинг тўғри ғояларини ҳам асоссиз рад этадилар. Самарқандда эса аҳвол бутунлай бошқачадир. Биринчидан, етти иқлим ҳукмдори, Ислом подшосининг (Мирзо Улуғбек назарда тутилмоқда) ўзлари беқиёс алломадурлар. Иккинчидан эса, ҳозирда Самарқандда энг машҳур алломалар тўпланишган. Бу алломалар дунёдаги мавжуд илмларнинг катта билимдонларидурлар...». Бу Самарқанд ва Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабига берилган ўзига хос баҳо эди.

Европалик тарихчилар бизнинг юртимизда шаклланган илмий марказларни «Хоразм Маъмун академияси» (XI аср), «Улуғбек академияси» (XV аср) иборалари билан бежиз аташмаган.

Юртимиз дунёвий ишлар билан бир қаторда ислом дини илмлари бешикларидандир. Имом Мотурудий (870—944 йиллар), Имом Бухорий (810—870 йиллар), Мусо ат-Термизий (824—892), Бурҳониддин Марғиноний (1123—1197 йиллар) бугунги кунда маънавиятимиз сарчашмаларига айландилар.

Юртимиз жаҳон цивилизацияси равнақига салмоқли ҳисса қўшган даҳоларга бой диёрдир. Ҳатто, миллатимиз тарихига қора асрлар бўлиб кирган сўнгги уч юз йил давомида ҳам халқимизнинг қудратли яратувчанлик туйғуси сўниб қолмади, илм-фан тараққиёти тўхтаб қолмади.

1943 йили Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди.

Халқимиз, миллатимизнинг узоқ ўтмиш тарихида археологик материаллар бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Археологик экспедициялар натижасида юртимиз цивилизацияси ва давлатчилигимиз 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлиги ноёб осори атиқалар асосида исботланди. Мазкур жараёнлар Ўзбекистон тарихи давлат музейининг янги экспозициясида ноёб археологик топилмалар, тарихий ҳужжатлар ва тадқиқот натижалари асосида кўрсатиб берилди. Алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда тарихимизга ёндашувда адолат принципи, илмий асосланганликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада юртимизда тарих, археология ва музейшунослик йўналишларида жиддий қадамлар қўйилди.

Мустақиллик йилларида республикамизда тарих, археология илмларини ривожлантириш, музейларимизни қайтадан ташкил қилиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари чиқди. Бу ўз самарасини берди. Ўзбекистон археологияси янги босқичга — жаҳон андозаси даражасига кўтарилди. Самарқандда «Халқаро археология маркази» анъаналари шаклланиб бормоқда. Республикамизнинг етакчи Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Амир Темур ва темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъати давлат музейи жаҳон андозалари асосида янгитдан яратилди. Айниқса, Ўзбекистон тарихи давлат музейи республикамизнинг бош музейи сифатида илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида батамом қайтадан яратилди. Юртимизнинг миллион йилга тенг тарихи объективлик принципларига риоя қилган ҳолда энг замонавий кўргазма жиҳозлари ва техник воситалар орқали оммабоп тарзда кўрсатиб берилди. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, тарихчилар, археологлар ва музейшунослар бақамти ишлашди. Археологларимиз барча музейларимизни халқимиз тарихига, маданиятига мансуб ноёб осори атиқалар билан таъминлаб турибдилар. Бу ўзаро ҳамкорлик мустақиллигимиз шарофати билан туғилган энг яхши анъаналаримиздандир.

Биз Беруниларга, Бухорийларга, Ибн Синоларга, Хоразмийларга, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурлар каби буюк бобокалонларга ворисмиз. Уларнинг ишларини янги илмий натижалар билан муносиб бойитиб келмоқдамиз. Бу ўринда Яҳё Ғуломов домлани эслаб ўтиш жоиздир.

Яҳё Ғуломов ўзбек миллатига мансуб биринчи археологдир. Я.Ғуломов ўнлаб археологик кашфиётлар қилди. Улар орасидаги энг улуғи бу «Хоразм цивилизацияси»нинг иқтисодий асосини, унинг шаклланиши қонуниятларининг очилишидир. Бу илмий кашфиёт XX асрнинг 50-йилларида юз берди ва шу тариқа ёзма тарих яна бир цивилизация маркази — «Хоразм цивилизацияси» билан бойиди. Я.Ғуломов «Қадим Хоразм» давлати ўзбек давлатчилигининг ибтидоси бўлиб, у милоддан аввалги мингинчи йиллар қаърига бориб тақалиши ғоясини илгари сурди. Бу ўша йиллар учун чинакам илмий жасорат эди. Я.Ғуломов қийинчиликлардан қўрқмайдиган, ватанпарвар ўзбек зиёлисининг тимсолидир. Юртбошимиз бир гуруҳ тарихчилар билан учрашув чоғида Яҳё Ғуломовни ўз фикрини қатъий билдира оладиган, ҳар қандай тазйиқ ва дўқ-пўписалардан қўрқмасдан тарихимизни холисона баҳолашни ҳимоя қилган олим сифатида таърифлаган эдилар. Домланинг ўзбек фани олдидаги улуғ хизматларидан яна бири бу ўтган асрнинг 50—70-йилларида ўзбек археологияси мактаби яратганлигидир. Бу мактаб фан оламида қисқагина қилиб «Ғуломов мактаби» деб номланади. Ана шу Яҳё Ғуломов археология мактаби ташаббуси билан 1970 йили Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори Фанлар академияси ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради, замонавий лабораториялар, техник воситалар, ускуналар билан жиҳозлаш, фаннинг долзарб йўналишларини очиш, жаҳон илму фани билан кенг кўламда интеграциялашувига, олимлар салоҳиятини бор бўйи-басти билан намойиш қилишга, ёш истеъдодли олимларни тарбиялаб етиштириш каби масалаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Темир ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори,
Мансур СИДИҚОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

ТАНЛОВ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

УЛАР ЯНА ТАЖРИБА -СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарслик ўқув режа асосида 34 соатга мос ҳолда аниқ мавзуларга ажратилган. Дастур асосидаги ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни қамраб олган ҳамда мавзулар мазмуни содда, ўқувчига тушунарли тилда баён этилган. Дарсликда 60 дан зиёд расм

ва хариталардан иборат иллюстрациялар мавжуд.

Дарслик асосида таълимни ташкил этишда ўқитувчилар учун чоп этилган методик қўлланмада ҳар бир дарс бўйича йўриқномалар берилган. Ўқитувчи ундан фойдаланиб дарсларни самарали ташкил этиши назарда тутилиб, ҳар бир дарснинг мақсади, вазифаси, дарс жиҳозлари, дарсни ташкил этиш методлари, ўқувчилар билиб олиши лозим бўлган янги атама ва тушунчалар, географик объектлар ҳамда дарсда фойдаланиш учун қўшимча материаллар берилган.

6-синф "Материк ва океанлар табиий географияси" дарслиги ҳам ихчам, ўқув режа асосида 68 соатга мўлжалланган мавзуларни ўз ичига олган. Дарсликда аввалги синфда ўрганилган материаллар мустаҳкамлаб тўлдириб борилган. Материк ва океанларни ўрганишга оид

мавзулар содда, қизиқарли маълумотларга бой, мавзуларга уйғун ҳолда, кўплаб хариталар, расмлар, жадваллар берилган. Айниқса, географик қобиқнинг тузилиши мавзуси ўқувчилар ёшига мос ҳолда ихчамлаштирилган. Методик қўлланмада эса ўқитувчига ҳар бир дарсни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар бериш билан бирга ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун кўплаб топшириқлар ҳам келтирилган.

Ҳозирги кунда 7-синфларда иккита дарслик — ўқув йилининг I ярмида "Ўрта Осиё табиий географияси", II ярим йилликда "Ўзбекистон табиий географияси"дан фойдаланиб келинмоқда. 7-синф "География" дарслиги амалда фойдаланилаётган дарсликлардан фарқ қилиб, у синфда ҳозирда ўрганилаётган Ўрта Осиё табиий географияси ва Ўзбекистон табиий географияси курсларини битта дарсликда мужассамлаган. Янги дарсликда бу курслар I ва II қисмларга ажратилиб, ДТС ва дастури доирасида мавзулар баёни анча ихчамлаштирилган. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши бирмунча қийин бўлган Ўрта Осиё табиий географияси районлаштириш боби, топографик карталар билан ишлаш, геохронологик жадвал каби мавзулар баёни соддалаштирилган. Мавзулар ўқув режада белгиланган 68 соатга мос ҳолда ажратилган. Дарсликнинг методик қўлланмасида эса ҳар бир дарсни ташкил этишга оид тавсиялар берилган.

8-синфда танлов асосида иккита дарслик синовдан ўтказишга тавсия этилмоқда. Булардан бири П.Мусаев, Ж.Мусаевлар муаллифлигида ёзилган 8-синф "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси" дарслик ва ўқитувчи китоби "Маърифат — Мададкор" нашриёти томонидан чоп этилган. Дарслик ДТС ва ўқув дастури талабларидан келиб чиқиб, ўқув режага мос мавзуларга ажратилган.

Мазкур дарсликда маълумотларни баён этишнинг восита ҳамда усуллари ва ҳатто уларнинг саҳифаларга тақсимланиши географиянинг бошқа курслари дарсликларидан буткул фарқланади. Дастур талаб этган 68 соатлик материал дарслик саҳифаларига шундай мутаносибликда тақсимланганки, натижада деярли ҳар бир дарс материали бир хил ҳажмда икки саҳифага жойлашган. Бу эса дарсликдан фойдаланишда уни беҳуда варақлайвермасликни кафолатлайди, демакки, таълим жараёнида ўқувчилар диққати чалғимайди, қолаверса, ортиқча варақланмаган дарсликнинг умри узаяди.

География объект, ҳодисалар, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар расм кўринишида, харита-чизма, диаграмма, жадвал, чизма каби математик моделларда ифодаланган. Улар Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва ста-



тистика давлат департаментининг 2002 йилги статистик тўпламлари материаллари асосида география ўқитиш методикаси талабларига мослаштириб тузилган. Инчинун, муайян таълимий мақсадларга эришишда улар матн қатори муҳим дидактик аҳамият касб этади.

Муайян мавзу бошланиши ҳамда поёнидаги савол ва топшириқлар, ўқув атласи, ёзувсиз харита каби қўшимча қўлланмалардан фойдаланишга ўқувчини йўналтириб туради. Зеро, ўқувчи мустақил ва амалий машғулотларни бажаришда дарслик билангина чекланиб қолмайди.

"Ўқитувчи китоби"да Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси курсининг концептуал асослари, курснинг дидактик қирралари бобларида чуқур илмий таҳлиллар берилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг умумгеографик таърифи бобида дарсларни режалаштириш ҳамда аҳоли бўйича дарсларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилган.

А.Солиев, Р.Қурбонниёзовлар муаллифлигидаги 8-синф учун муқобил "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси" дарслик ва методик қўлланма эса "Ўқитувчи" нашриёти томонидан чоп этилган. Дарслик ДТС ва ўқув дастури талабларидан келиб чиқиб, ўқув режага мос ҳолда 68 соатга мўлжалланган. Дарсликда мавзуларга мос ҳолда кўплаб рангли тасвирдаги хариталар, расмлар, жадваллар, диаграммалар илова қилинган.

Дарслик мазмуни бой бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси бўйича сермазмун, мавзулар қисқа, тушунарли баён этилган. Дарсликка илова этилган иллюстрациялар, қўшимча топшириқлар ўқувчининг дарслик билан ишлашида қулайлик яратади. Ўзбекистон иқтисодиётига оид статистик маълумотлар Республика макроиқтисодиёт ва статистика департаменти материаллари асосида бозор иқтисодиётига ўтиш даври янгиликлари эътиборга олиниб, баён этилган. Дарсликдаги Ўзбекистоннинг иқтисодий географик районлаштирилиши қисмида амалдаги дастурга ўзгариш киритиб, иқтисодий географик районлар сони 8 та эмас 6 тага ажратилган. Иқтисодий районларни ўрганишга вилоятлар кесимида ўрганилишига эътибор берилган.

Дарслик асосида таълим-тарбияни ташкил этиш учун 68 та дарс бўйича тавсиялар берилган.

Бугунга қадар умумтаълим мактабларининг 5- ва 7-синфлари ҳамда "Маърифат-Мададкор" нашриётида П.Мусаев ва бошқалар муаллифлигида тайёрланган 8-синф география дарсликлари ва уларнинг методик қўлланмалари ўзбек, рус ва қора-

қалпоқ тилларида чоп этилиб, жойларга етказилди. Шундан 7- ҳамда 8-синф дарслиги 50000 нусхада, методик қўлланмаси 10 минг нусхада чоп этилган бўлса, 5-синф дарслиги тўлиқ ижара тизимига киритилди. Қолган дарсликлар чоп этилиш арафасида.

Дарсликларнинг илмий, назарий, услубий ҳамда амалий жиҳатдан мукаммал бўлишига эришиш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиб чиқиб, янада такомиллаштириш мақсадида бу дарсликларни синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу асосда Республика миқёсида тажриба-синов майдонлари белгиланди. Яқинда Республика Таълим марказида шу туманлар мутахассислари билан семинар-тренинглар ҳамда муаллифлар билан учрашув ўтказилди. Бу дарсликлар Республика бўйича барча мактаблар заҳираларига ҳам етказилди.

Белгиланган муддатларда 2003-2004 ўқув йили давомида синов майдонларидан олинган хулосалар, тажрибали ўқитувчилар, амалиётчи методистлар, мутахассис олимлар фикр-мулоҳазалари эътиборга олиниб, қайта ишлаш жараёнида зарур бўлган ўзгартиришлар киритилади.

Синов майдонларидан ташқари, мактабларда 2003-2004 ўқув йилида амалдаги дарсликлардан фойдаланиб, таълим-тарбия ишлари ташкил этилади. Кутубхоналардаги мавжуд синов дарсликлари ва методик қўлланмалар юзасидан уларни такомиллаштириш бўйича ҳар бир ўқитувчи ўз фикрларини билдириши мумкин.

Шуни ҳам айтиш жоизки, умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган дарсликлар ва дастурга ҳамоҳанг равишда 4-синфдан 9-синфгача ҳар бир синф учун алоҳида географик атласлар ҳамда контурли хариталар тўпламлари чоп этилган. Айтиш мумкинки, табииёт ва география ўқув предметининг ўқитилишида синфлар бўйича дарслик, методик қўлланма, географик атлас, контурли хариталар тўплами ҳамда қисман деворий карталардан иборат мажмуа шакллантирилди. Уларнинг таълим-тарбия бериш муассасаларига етиб бориши, ўз ўрнида фойдаланилишини тўғри ташкил этиш таълим самарадорлигининг оширилишига таъсир этади.

Ўйлаймизки, бу қилинаётган ишларда география ўқитувчилари фаол иштирок этадилар.

М.ТИЛЛАБОЕВА,
РТМ табиий билимлар бўлими бошлиғи

Maktabga yordam — millatga yordam

ТУМАН ҲОКИМИ – ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ

Бу умрнинг йўллари кимлар учундир равон ва нурли, кимлар учундир сўқмоқли бўлади. Равонлик ва нурафшонлик эса илм зиёсидан бахраманд бўлган кишиларга ёрдир. Улар сирасига ўзгалар ғамини ейдиган, элпарвар инсонлар киради.

Ҳазорасп туман ҳокими Ботир Раҳимовга «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони берилганлигини эшитганимда, ана шундай ўйлар ўтди кўнглимдан. Ўзгалар ғами... Аслида улар ҳақиқатан ўзгами? Йўқ, бир мамлакатнинг, бир заминнинг фарзандлари, шу она тупроққа киндик қони тўкилган замондошларнинг тақдири, қисмати, ҳаёт йўли нечун ўзга бўлсин?!

— Қўлингиздан келса яхшилик қилмоқликнинг савобини ҳеч қандай тарозида ўлчаб бўлмас... Ҳокимимиз ана шундай инсонлардан, — ҳазораспликлар шундай сўзларни фахрланиб айтишади.

— Нари борса икки, икки ярим йилнинг орасида у кишининг ташаббуси билан қилинган бунёдкорликлардан аҳлингиз шошади, — дейди сухбатдошимиз, туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Қўшназар Юсупов. — Мен ўзимизнинг соҳадагисинигина айтай, янгидан учта умумий ўрта таълим мактаби, учта касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди, янги ўқув қуроллари, жиҳозлар олинди. Спорт соҳасида эса катта ютуқларга эришдик. Мавжудлари таъмирланиб, спорт зали йўқ мактабларда янгидан қурилишлар қилинди...

Билимлар кунида ҳар бир таълим муассасасидаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун 50 мингдан 100 минг сўмгача дарсликлар тақдим этиш ташаббуси билан чиққан ва бунда ҳомийлар мададидан фойдаланган ҳокимнинг эзгуликлари бир талай!

Ижтимоий соҳадаги улкан ютуқлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларини амалга оширишда кўрсатган фидойиликлари учун Ҳазорасп туман ҳокими Ботир Раҳимовнинг кўкрагини «Халқ таълими аълочиси» нишони безаб турибди. Демак, беҳаловат кунларнинг меваси бор! Бу ишонч уни янада каттароқ бунёдкорликларни қилишга ундаб туради!

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
Хоразм вилояти

ТАЛАБАЛАРГА ТУҲФА

Xabar

Навоий давлат кончилик институти ўқитувчилари Саодат Бозорова, Неъмат Камоловлар томонидан нашрдан чиқарилган физика курси учун «Электр ва магнетизм» ўқув қўлланмаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Истеъдод» жамғармасининг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида иштирок этиб, юқори баҳоланди ва муаллифлар тақдирланишди.

Техника олий ўқув юртларида фундаментал фан сифатида физикани ўқитиш катта аҳамиятга эга. Ҳозирда мавжуд бўлган адабиётларнинг кўпчилиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги дастури асосида тузилган. Бироқ уларда тест-лар ва таянч ибораларга асосланган назорат саволларга етарлича эътибор берилмаганлиги бу каби қўлланмалар яратилиши заруратини кўйди.

Мазкур қўлланмада тест ва таянч ибораларга асосланган назорат саволлари берилиб, назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида намунавий масалалар ечимлари ҳам келтирилган. Ўқув материали ортиқча математик ифодалар билан мураккаблаштирилмасдан физик қонунларнинг кўргазмали тасвирланганлиги талабаларга қулайлик яратади. Шунингдек, физик кроссвордлар, турли хил бошқотирмалар берилган. Мақсад, талабаларнинг назарий билимларини тажриба билан умумлаштиришга қаратилган бўлиб, физик қонунлардан онгли равишда фойдаланиб, келгусида физикага асосланган ихтисослик фанларини чуқур ва пухта ўрганишга шароит яратишдир.

О.ОЧИЛОВА

БОҒЧА БОЛАСИНИНГ ОВҚАТИ

унинг сифатига ким кафил?

Maktabgacha ta'lim

Мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти хусусида гап кетганда жуда кўп ҳолларда илгор таълим-тарбия услублари, ''боғча опалар''олиб боришаётган ноанъанавий машғулотлар, қайсидир бир дастурнинг қўлланиши ва шу кабиларга кўпроқ эътибор қаратилади.

— Хўш, мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти хусусида гапирганда яна қандай муҳим мавзуларга эътибор қаратмоқ керак?

Инсон боласининг соғлом ва етук ўсмоғи учун энг асосий талаблардан бири унинг нормал овқатланиши ҳам эканлигини унутмаслигимиз керак. — Шундай экан, болалар боғчаларида тарбияланаётган кичкинтойларимизнинг озиқ-овқат таъминотлари қандай? Уларга ҳали у, ҳали бу маҳсулотлар етишмай қолмаяптими? Ана шу саволлар билан Косон тумани ХТБдаги масъул ходимларга мурожаат қилганимизда, улар туманда мавжуд 32 та мактабгача таълим муассасаларининг барчасига тумандаги улгуржи савдо махсус бирлашмаси хизмат кўрсатаётганлигини, бирлашма омборхонасида исталган пайтда керакли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёр эканлигини, борингки, бу борада етишмовчиликларнинг йўқлигини айтишди. Энг яхши томони маҳсулотларнинг сифати яхши, нархлари арзон экан...

''Минг бор эшитгандан бир бор кўрган яхши''. Биз Косон улгуржи махсус савдо бирлашмасига йўл олдик.

— Бирлашмамиз жамоаси Косон туманидаги 32 та мактабгача таълим муассасаларидан ташқари тумандаги ихтисослашган мактабга, марказий ва болалар шифохоналарига ва яна шу ердаги профилакторийга озиқ-овқат таъминоти масаласида хизмат кўрсатади, — дейди ушбу бирлашма директори Атоқул Жалолов. — Бирлашмамиз қишлоқ хўжалиги ва полиз экинлари маҳсулотларини асосан пишиқчилик пайтида тўғридан-тўғри маҳсулот етиштирувчининг ўзидан харид қилади. Нега десангиз, етиштирувчининг ўзидан харид қилинган маҳсулот бозордагидан анча арзон ва сифатли бўлади...

Бирлашма аъзолари айни кунгача 50 тонна ошқовоқ, 30 тонна пиёз, 15 тонна картошка, 5 тонна сабзи, 2 тонна нўхат, 3 тонна мош, керагича карам ва шолгом жамғаришибди.

— Олдинги йил бозорларимизда пиёзнинг нархи ҳатто 600-700 сўмгача чиқди, — дейди Атоқул Жалолов, — бирлашмамиз худди ўша даврда ҳам мижозларига 80-85 сўмдан пиёз етказиб бериб турди.

Бирлашмада маҳсулотларнинг сифатини бузмасдан сақлаш учун ер томлар ясалган. Омборхоналарнинг барчасида яхлатиш ва шамоллатиш асбоб-ускуналари ўрнатилган. Бирлашма омборхоналарида нафақат 9 турдаги кундалик эҳтиёж маҳсулотлари, балки роппа-роса 18 турдаги озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва полиз маҳсулотлари борлигининг гувоҳи бўлдик. Мавжуд барча маҳсулотлар санитария-гигиена ходимлари ва тегишли мутахассислар назоратларидан ўтказилган.

Бирлашма аъзолари хайрсаховатга ҳам беэътибор эмас. Улар Косон шаҳридаги "Пахтазор" маҳалласида яшовчи ногирон фуқароларни ва яна "Нилуфар" болалар боғчасини ўз ҳомийлигига олди.

— Яқинда "Нилуфар" болалар боғчасига 200 минг сўм ёрдам кўрсатдик, — дейди Атоқул Жалолов. — Насиб бўлса, янги йилдан эътиборан яна битта болалар боғчасини ўз ҳомийлигимизга олиш ниятимиз бор.

Дарҳақиқат, Косон туманидаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 1600 нафарга яқин кичкинтойларнинг еб-ичишларида камчилик йўқ.

Абдували ОБИДДИН,
"Ma'rifat" мухбири



Rivoyat qiladilarki, yer yuzidagi birinchi qo'shiq Hobil otli o'g'li o'lganda, Odam Ato tomonidan aytilgan marsiya bo'lgan ekan.

U qaylargadir ketgisi, mavjud ahvolni o'zgartirgisi keladi. Lekin yo'llarda to'siqlar bor: "Bu tog'lar baland tog'lar, G'arib yo'lini bog'lar".

Xabaringiz bor, gazetamiz sahifalarida "O'qituvchiga yordam" ruknida Respublika ta'lim markazi tavsiyasi bilan umumiy o'rta ta'lim maktablarining 10-sinflari uchun o'tish davri "Adabiyot" o'quv dasturi asosida nashr etilishi tugallanmagan "Adabiyot" o'quv qo'llanmasining ayrim mavzulari berib borilmoqda. O'tgan sonlarda siz dasturda belgilanganidek, bir soatga mo'ljallangan adabiyotga Kirish hamda Xalq og'zaki ijodi namunasi sifatida 5 soat o'tilishi nazarda tutilgan "Malika Ayyor" dostoni va xalq dostonchiligi haqidagi mavzular bilan tanishdingiz. Endi esa 3 soatga mo'ljallangan "Xalq qo'shiqlari" hamda 2 soatga mo'ljallangan "Qadimgi adabiy yodgorliklar" mavzulari e'tiboringizga havola etilmoqda.

O'qituvchiga yordam

XALQ QO'SHIQLARI

Qo'shiq san'atning insoniyat tomonidan eng oldin o'ylab topilgan turi bo'lsa kerak. Rivoyat qiladilarki, yer yuzidagi birinchi qo'shiq Hobil otli o'g'li o'lganda, Odam Ato tomonidan aytilgan marsiya bo'lgan ekan. Negaki, odamzod tug'iliboq alla eshitadi, o'lganda yig'i bilan kuzatiladi. Shu sababli ham xalq og'zaki ijodining eng qadimgi va keng tarqalgan janrlaridan biri qo'shiq sanaladi. Xalqning iste'dodli vakillari juda uzoq asrlar oldin ham o'zlarining nozik va murakkab tuyg'ularini, so'zga sig'maydigan kechinmalarini qo'shiqqa aylantirganlar. O'zbeklar g'oyat ko'p miqdordagi xalq qo'shiqlariga ega millatdir. Xalq qo'shiqlarini yaratish texnik taraqqiyot cho'qqiga ko'tarilgan bugungi kunda ham davom etayotganligi diqqatga molikdir. O'zbek xalq qo'shiqlari ko'pqirrali va sertarmoqdir. Jumladan, xalqimiz tomonidan mehnat, marosim, mavsum, lirik yo'nalishlarda minglab qo'shiqlar yaratilgan. Mehnat qo'shiqlarining o'zi chorvachilik, dehqonchilik, ovchilik, kosibchilik singari yana bir qator turlarga bo'linib ketadi.

Lirik qo'shiqlar xalq qo'shiqlari orasida juda qadimiyligi, sonining ko'pligi va badiiy saviyasining yuksakligi bilan ajralib turadi. Bu xil qo'shiqlar 1072-1074 yillarda yaratilgan "Devonu lug'otit turk" asarida ham ko'plab uchraydi. Bobo tilimizdagi so'zlarni izohlagan buyuk olim Mahmud Koshg'ariy biror so'zning qanday ma'noda qo'llanilganligini ko'rsatish uchun xalq qo'shiqlaridan unumli foydalangan. Kitobda ovchilik, chorvachilik mavzularidagi qo'shiqlar bilan birga ishq-muhabbat haqida bitilganlari ham uchraydi. Chunonchi:

Uzik meni qumitti,
Saqinch manga yumitti,
Ko'nglum angar emitti,
Yuzum maning sarg'arur.

(Suygulim meni hayajonga soldi,
Sog'inch meni qiynadi.
Ko'nglum u tomon ketdi,
Yuzim mening sarg'ayur.)

Bu qo'shiqda ifodalangan fikrlarni u qadar sodda deb bo'lmaydi. Oshiq yigit uzik, ya'ni suluv qiz uning aqlini o'g'irlagani, sog'inch azob berayotgani, yuragi o'z ixtiyoridan tashqari qiz tomon enib borayotgani haqida iztirob bilan kuylaydi. U shunchaki xabar bermaydi, balki ko'nglidan kechgan murakkab tuyg'ularni juda ramziy ifoda etadi.

Ikladi maning azaq,
Ko'rmazib o'g'ri tuzaq.
Igladim andin uzaq,
Emlagil emdi tuzaq.

(Ilindi mening oyog'im,
Yashirin ekan tuzoq.
Bo'ldi azobi uzoq,
Endi o'zing em qilgin)

Qo'shiqning lirik qahramoni "sevib qoldim" degan oddiy, jo'n ifoda o'rniga "oyog'im tuzoqqa ilindi" degan tashbih ishlatadi. Bu holning to'satdan, kutilmaganda, bir ko'rishdan bo'lganligini esa, "Ko'rmazib o'g'ri tuzaq" tarzida ifodalaydi. Oshiq "oyog'i" emas, aslida, qalbi "tuzoq"dan, ya'ni muhabbatdan azoblangani, yarador bo'lganini va bunga faqat ma'shuqaning o'zigina em - davo qilishi mumkinligi juda ham ta'sirchan va go'zal yo'sinda ifodalanadi. Boshqacha aytganda, qo'shiqda she'riy timsollar bilan ish ko'riladi. Bu, albatta, "Devonu lug'otit turk" kitobidagi qo'shiqlarning badiiyati balandligini ko'rsatadi. Ayni shu hol bu qo'shiqlarning o'rgamchik emasligi, aksincha, katta estetik tajriba samarasi ekanligidan dalolatdir.

Lirik qo'shiqlarga xos bosh xususiyat shundan iboratki, ular xoh sozsiz, xoh biror soz jo'rligida kuylangan, ijro etilgan. Shuningdek, ularda muallifning ichki kechinmalari, tuyg'ulari, quvonchu alamlari ifodalangan. "Adabiyot" majmuasida xalqimizning lirik qo'shiqlaridan bir qator namunalar berilgan. Ularda xalq qo'shiqlariga xos belgilar yorqin aks etgan. Jumladan, "Qizilni qo'yib yuziga" misrasi bilan boshlanadigan qo'shiqda yo'lga, ehtimol, uchrashuvga otlanayotgan suluvning tashqi holati tasvirlanishi asnosida uning ichki dunyosi, kechinmalari teran ochib beriladi. Yo'lga shaylanayotgan go'zal qizning ovozi shunchalik mayinki, ko'kda parvoz qilayotgan kaptaru, ko'lda suzayotgan o'rdakni mast qilib, hushidan ayiradi. Bu mubolag'ali tasvir o'z-o'zidan oshiq yigit holini tasavvur qilish imkonini beradi:

Osmonda uchgan ko'k kaptar,
Ko'lda suzgan so'na, o'rdak,
Mast bo'p erga yiqildi
"Oyim qizlar!"- deb chiqqan
Oyimning ovoziga.

Qo'shiqda suluvning kiyimlari, sochbog'i, ming dinor turadigan gul shaklidagi taqinchog'i, sochidagi bezaklari, tilla tugmalari nihoyatda qimmatbaho, nafis va noyob ekanligi batafsil tasvirlanadi. Lekin ular qizning nechog'lik boy ekanligi emas, balki sanamning ma'naviy qiyofasi qanchalar zeboligini ta'kidlashga yo'naltirilgan.

Qo'shiqda suluv qiz tilidan aytilgan:

Gapim ayib etmasin,
Tilim toyib ketmasin.
hay, gul bilan yelpib yur,
Betimni qavartmasin.
Zavqim kelib kulganda,
Belim sinib ketmasin

shaklidagi e'tiroflarda suluvning nozikligi ulkan badiiy mahorat bilan ko'rsatiladi. Sanamga yelpinayotganda gul tegib ketsa, beti qavarishi, zavqi kelib kulsa, beli sinib ketishi mumkin. Lekin odobli qiz sifatida uni "tilining toyib ketishi" ko'proq o'ylantiradi. Qizga xos fazilatlar o'z-o'zidan paydo bo'lib qolmaganligi, balki "mulladan olingan adab" natijasi ekani qo'shiqda alohida ko'zga tashlanmaydigan tarzda nazokat bilan aks ettirilgan. Qo'shiqda suluvga xos yuksak ma'naviy sifatlar izohlab o'tirilmay, **"Yaxshi barchaga kerak"** tarzidagi misra orqali beriladi.

"Qizilni qo'yib yuziga" qo'shig'ida suluvning belgilari qat'iy bir intizom, tartib bilan izchil tasvirlanganligi uning ta'sir darajasini oshiradi. Chunonchi, qo'shiq avvalida uning kiyimlari, ovozi madh etilgan bo'lsa, **"hay, alqanib-alqanib, Qora zulfi to'lg'anib. To'qqiz tutam zar chochbov, Tovoniga chul-g'anib" misralarida qizning sochi kuylanadi, "Oyim chiqdi o'tday bo'p, Oq badani sutday bo'p. Har siynasin tuymasi Ko'klam pishgan tutday bo'p"** satrlarida esa oq yuzi, go'zal badani, oshiqni aqlidan ozdiruvchi ko'kraklari, quloqlari, tomog'i o'ziga xos tasvir etiladi. Uzungina qo'shiqning boshidan adog'iga qadar ham suluvga oshiqning ko'zi bilan qaraladi va uning fazilatlari yigit nazari bilan idrok etiladi. Suyukli qizga xos sifatlar, ayniqsa, "Ichgan suvi g'ilt etdi halqumidan ko'rinib" tasvirida avj nuqtaga chiqadi. Qo'shiq oxiridagi:

Go'shvorimni[6] ko'tar, qiz,
Qulog'im sinib ketmasin.
har zulfimni ko'tar, qiz,
Oy yuzimga botmasin!

tasvirlari qizning nozikligini o'ta bo'rttirib ko'rsatish bilan birga uning ko'ngli, tuyg'ulari go'zalligiga qilingan ishora hamdir.

O'zbeklar orasida juda keng yoyilgan, hozirga qadar ham turli shakllarga solib kuylanmoqda bo'lgan xalq qo'shiqlaridan biri **"Qarg'alar uchsa qaraylik"** qatori bilan boshlanadigan qo'shiqdir. Unda suyganiga intilib, yetolmagan oshiq holati g'oyat dardchil tasvir etilgan. Qarg'a - qish elchisi. Turk xalqlari uchun qish ko'ngilsizlikni bildiradi. U ayriliq, xazon, yo'qotish singari ezgin tushunchalarni ifodalaydi. Shu bois oshiq yigit qarg'aning uchishini ko'riboq, Marg'ilon yo'llarini eslaydi. Ayni vaqtda, Marg'ilon unga "handalak bo'yli" yorini yodga tushiradi. Visoliga erishmoq mushkul bo'lgan yor shu qadar yoqimliki, undan handalakdan keladigan mast qilguvchi shirin bo'y taraladi. Ma'shuqa yodga tushishi bilan oshiq o'zining onasidan ajralgan to'tiqush singari ayanch ahvolini qayta tuyadi: "Handalak bo'ylikkinam, Siz unda zor, biz bunda zor. Ikkalamiz to'ti qushning Bolasiday intizor".

Lirik qahramon suyuklisi bilan o'zining holatini o'ylagani sari qo'shiqda ezgin ruhiy holat ifodasi kuchayib boraveradi:

Intizorlik torta-torta
Tanda toqat qolmadi.
Yo'lchibindek sarg'ayib
Ucharga holat qolmadi.

Qarg'aning ucha boshlashi tabiat uchun qishdan darak bo'lganidek, uning paydo bo'lishi oshiq uchun visol bog'lariga qirov qo'nganidan, ishonch yaproqlarini sovuq urganidan dalolat bo'ladi. Qish kirib kelgach, yo'lchivinlar sarg'ayib, halokatga mahkum bo'lganlari singari vasldan umidini uzgan oshiqning ham hayotdan ilinji qolmagan. G'arib va chorasiz oshiq ma'shuqasi yo'lida shu qadar ko'p ko'z yosh to'kadiki, ulardan baliqlar suzib yurishi mumkin bo'lgan daryo hosil bo'ladi. Oshiq yigit holini ana shu baliqlardan so'rash mumkin. Ma'lumki, baliqlar ovoz chiqarmaydi, gapirmaydi. Demak, sevgan yigitning ruhiy holati — g'oyat ezgin va nochor.

Lirik qo'shiqlar ko'pincha dard ifodasi o'laroq paydo bo'ladi. Chunki chinakam insoniy dardni oddiy so'zlar bilan to'liq ifodalash mumkin emas. Inson o'z dardini bir qadar yengillatmoq uchun ham uni qay shakldadir aytib, ko'nglini bo'shatgisi keladi. **"hovlichangda gul ko'rdim"** qo'shig'i ham ko'nglini bo'shatgisi kelgan inson tuyg'ularini ifodalaydi. Qo'shiqning qahramoni — iztiroblar og'ushida qolgan nochor kimsa. She'rning dastlabki bandida o'z chorasizligini ifodalash bilan birga, ko'pdan beri ko'rmagan suygan yorini "uxlab tushida" ko'rganini aks ettiradi. Keyingi bandda esa o'zining injiq va tushunarsiz ruhiy holatini izohlaganday bo'ladi:

Eshik oldi Oydinko'l,
Oyna solsam botmaydi.
Men yorimni sog'indim,
Xat yuborsam qaytmaydi.

Qo'shiqning lirik qahramoni – ko'ngil kishisi. Shu bois olgan yorining "sunbul dardi", ya'ni sunbula oyi kirganda qo'ziydigan kasali borligidan, shuningdek, "Obtobadan suv icholmay, Kunda dardi", ya'ni hamisha dardmanligidan shikoyatlanadi. Aslida hamma gap ko'ngilning ilimasligida. U qaylargadir ketgisi, mavjud ahvolni o'zgartirgisi keladi. Lekin yo'llarda to'siqlar bor: "Bu tog'lar baland tog'lar, G'arib yo'lini bog'lar". Kishi beixtiyor o'yga toladi: o'tib bo'lmas bu tog'lar shunchaki tog'larmikin yoki kishini turli tomondan o'rab olgan burch, majburiyat, udum singari kishanlarmikin? Qo'shiqning tugallanishi yanada shikasta, umidsiz ohangda bitilgan:

G'aribga g'arib yig'lar
Biz g'aribga kim yig'lar?
Omon, omon-o,
Biz g'aribga kim yig'lar?

Kishining beixtiyor baxtsiz oshiq qayg'ulariga hamdard bo'lgisi, uning azoblarini yengillatgisi kelib qoladiki, chinakam san'at asarining qudrati ham shundadir.

"G'o'zapoya o'tini, Achchiq ekan tutuni" qo'shig'ida hech kutilmaganda sevgi degan o'rtovchi tuyg'uga duch kelib qolgan kishi ruhiy holati aks etgan. Qo'shiq o'ta jo'n maishiy detal tasviridan boshlanadi: "G'o'zapoya o'tini, Achchiq ekan tutuni". Bu gapni kim aytishi mumkin? G'o'zapoya o'tinini yoqib, uning tutuni achchiq ekanini, bizningcha, ayol kishi yaxshi biladi. Lekin bu so'zlar hali asosiy gapni aytish uchun daromad xolos. Qahramonning ko'nglidagi dard keyingi misralarda ma'lum bo'ladi: "hech bandaga solmasin, Xushtorlikning o'tini". Bir qadar to'pori yo'sinda qilingan iqror hech o'ylamaganda muhabbat domiga tushgan kishi holatini to'g'ri ifodalay olishi bilan diqqatga molikdir. Qo'shiqning ikkinchi bandidagi:

Sandiq to'la sariq gul,
Taqsam ado bo'lmaydi.
Suygan yorning dardini,
Aytsam ado bo'lmaydi.

shaklidagi ifoda qo'shiqda ayol kishi ruhiyati ifodalanayotganini ochiqroq ko'rsatadi. Chunki "gul taqish" - ko'proq ayollarga xos holat. Gulning "sariq"ligi va uning "ado bo'lmas"ligi qahramon ko'nglidagi xijillikka – "aytsa ado bo'lmaydigan dard"ga sabab bilan boshlanadi. Ushbu qo'shiqda ham ayni holat namoyon bo'lgan. Mato haqidagi ta'kiddan so'ng **"Sevimsiz yorlarning quchog'i salqin",**- degan xulosa beriladi. Aslida, bu - shunchaki xulosa emas, balki ko'ngil holatining ifodasi. O'tli muhabbat bo'lmagan joyda, olovli quchoq ham bo'lmasligining go'zal ifodasi! Keyingi misralar ma'nosi murojaat etilayotgan yor uchun kutilmagan va dahshatli: **"Sening quchog'ingda yota bilmadim, Ichimdagi dardni ayta bilmadim".** Matoning "so'lqim"ligidan boshlangan gapning rivojlanib, yetib kelgan darajasi qanchalar baland, ifodalangan haqiqat nechog'lik dahshatli!

Shu qo'shiqning ikkinchi to'rtligida tamomila o'zgacha kayfiyat ifodalanadi. Unda qo'shiq qahramonining ko'nglini zabt etgan, ammo unga beparvo bo'lgan ma'shuqa zulmkorligi tasvirlangan. Bu tasvir hamma zamonlarda ham insonga tuyg'ular murakkabligi, holatlar betayinligi xos bo'lganligini aks ettirishi jihatidan diqqatga sazovordir. Ikkinchi bandda "anjirli bog'" sohibasining "eshiklari qachon borsa, zanjirli"ligidan yozg'irar ekan oshiq: "Oq siynamni ayoz urdi, och endi, Uyqu mendan mazalimi, kech endi",- deya tavallo qiladi. Sakkiz qatorgina qo'shiqqa shuncha nozik va pinhoniy tuyg'ularni joylay ekanligini anglashga yordam beradi. Negaki, o'zbekda sariq gul - xiyonat belgisi. Ajdodlarimiz ramz va ishora bilan o'z ko'ngillaridagi aytib bo'lmaydigan, murakkab tuyg'ularni ham ifodalash mahoratiga ega bo'lganliklari ushbu qo'shiqda yorqin ko'rinadi. Qo'shiq qahramonining g'oyat chigal vaziyatda ekanligi so'nggi bandda, ayniqsa, yaqqol namoyon bo'ladi. U **"Bir yostiqda ikki bosh, Ikkalasi qalam qosh"** ekanini ko'rib turibdi. Unda tanlash imkoniyati bor. Lekin tanlash - mas'uliyatli, og'ir. Chunki ikkala yordan birontasining ham yomon jihatlari qo'shiqda tilga olinmagan. Demak, ma'shuqa uchun ikkovi ham qadrli. Inson ruhiy holatining murakkabligi, o'zi istamagani holda tushib qolgan vaziyatidan chiqib ketish qanchalar azob ekani qo'shiqda juda noziklilik va mahorat bilan tasvirlangan.

"Sariq matongni sachog'i so'lqim" misrasi bilan boshlanadigan sakkiz qatorlik qo'shiqda oshiqning qarama-qarshi ikki xil kayfiyati juda nozik aks ettirilgan. Xalq qo'shiqlariga xos bo'lgan xususiyatlar shundaki, ular, ko'pincha, o'ta jo'n, asosiy tasvirga aloqasi bo'lmagan maishiy detallar, ro'zg'oriy holatlar ifodasi bilish ajdodlarimiz badiiy dahosining qudratidan dalolatdir.

"Suv aylanib oqmaydi" satri bilan boshlanadigan qo'shiqda ham oshiq qalbning o'zgaruvchan holati ifoda etilgan. U - yorning bir qayrilib boqishiga intizor. Ayni vaqtda, **"Yor qayrilib boqqanda, Bir qilig'i yoqmaydi",**- deya oladigan darajada injiq ham. Qo'shiqning keyingi bandida tasvir fokusi birdaniga "olma gulining noparmon"ligiga ko'chadi. Bu - bejiz emas. Olmaning guli, ayniqsa, uning rangi - beqarorlik, o'tkinchilik belgisi. Qahramonning nafsiga daxldor: **"Olma guli noparmon, Izlab seni toparman. Izlab seni topganda, O'ng betingdan o'parman",**- degan istagi aks etgan bandning olma guli tasviri bilan boshlanishi bejiz emas. Bu fikrning to'g'riligi qo'shiqning keyingi bandida yaqqol namoyon bo'ladi:

Olma guli gul emas,
Taqsam chakkamda turmas.
O'zganing yori yor bo'lmas,
Birpas yoningda turmas.

Qo'shiqning majhul kayfiyatli qahramoni o'zi kashf etgan haqiqat – "O'zganing yori yor bo'lmas"ni aytishi bilan ko'ngli toza, sevgisiga sadoqatli odam ekanligini bildiradi.

Majmuada to'rtlik shaklidagi bir necha xalq qo'shiqlari ham berilgan. Ularda ishqqa mubtalo bo'lgan yurakning oniy, ammo butun hayotni ostin-ustun qilib yuborishga arziydigan tuyg'ulari, lahzalik, lekin umrning mazmuniga tatigulik holatlari aks etadi. Chunonchi, bir to'rtlikdagi **"Qoshingning xanjari tegdi, Yiqildim, chiqmadi jonim"** satrlari qo'shiqlar badiiyatining naqadar yuksakligini aks ettirishi jihatidan noyob san'at hodisasidir.

Savol va topshiriqlar

1. Xalq qo'shiqlariga xos xususiyatlarni aniqlang.
2. Qo'shiqlarning qadimiy janr ekanligi sababini tushuntirib berishga harakat qiling.
3. Lirik qo'shiqlarga xos belgilarni toping.
4. Lirik qo'shiqlarda inson holati ramz va ishoralar bilan ifodalanishi sababini tushntiring.
5. **"Bu tog'lar baland tog'lar, G'arib yo'lini bog'lar"** misralarini sharhlang. Qahramonning ayni holatdagi kayfiyatini izohlang.
6. Oshiqning **"handalak bo'ylik"** yorga iltijosi qanday ifodalanganligini anglating.
7. **"Bir yostiqda ikki bosh, Ikkisi ham qalamqosh"** ifodasining estetik vazifasini tushuntiring.
8. **"Sevimsiz yorlarning quchog'i salqin"** ekanligi sababini matnga tayanib, tushuntiring.
9. "Olmaning guli" bilan "o'zganing yori" o'rtasidagi hayotiy va badiiy bog'liqlikni aniqlab, izohlab bering.
10. Xalq qo'shiqlarida qo'llanilgan ramzlar, tasviriy ifodalarni ko'rsatib bering.
11. Ikkita qo'shiqni yod oling.

[6] **Co'shvor – sirg'a.**

QADIMGI ADABIY YODGORLIKLAR

Biz yashayotgan dunyo eski kitoblarda bitilganidek chindan ham "ko'hna"dir. Umuman, Turkiston tuprog'i, xususan, bugun biz yashab turgan O'zbekiston bu ko'hna dunyoning inson zoti vujudga kelgan eng qadim maskanlaridandir. Qishloqlarimiz, dalalarimiz bag'rida yastanib yotgan, olis moziy sirlarini bag'rida saqlab kelayotgan ko'plab tepaliklar bir vaqtlar haybatli qal'alar, muhtasham qo'rg'onlar bo'lgan. Yaqinda Farg'ona vodiysidagi Selung'ur g'orida topilgan inson tanasi suyaklarini olimlarimiz tekshirib ko'rib, uning bundan million yil oldin yashaganligini aniqladilar va u "fergantrop" nomi bilan fanga kirdi. Tarixning guvohlik berishicha, o'zbek xalqi dunyoning eng qadim xalqlaridan biridir. U turkiy tillarda so'zlashuvchi millatlar oilasiga mansub bo'lib, jahon tarixi va taqdirida muhim rol o'ynab kelgan. Goho uning "o'zbek" nomini kechroq olganligiga qarab, yosh millatlar qatoriga qo'shmoqchi bo'ladilar. Bu to'g'ri emas. "Turkning bosh bo'g'ini" (Amir Temur) bo'lgan bu millatning birgina turkiy xalqlar tarixida emas, umuman jahon tamadduni (sivilizatsiyasi) taraqqiyotidagi xizmati buyukdir.

O'zbeklarning millat sifatida shakllanishi uzoq tarixga ega. O'zbeklar qadimgi turkiylarning avlodlaridir. Turkiylar keyinchalik mustaqil millat va xalq sifatida shakllangan o'zbek, qozoq, qirg'iz, boshqird, qoraqalpoq, turkman, uyg'ur, ozarboyjon, gagauz, turk, tatar, yoqut va boshqa xalqlarning ajdodlaridir. Shuning uchun ham qadimgi turkiylar qoldirgan ulkan madaniy va adabiy meros bu xalqlarning mushtarak yodgorligi hisoblanadi. Demak, "turk" katta bir etnosning umumiy nomidir. "Turk" so'zi muqaddas diniy kitoblarda, sonsiz-sanoqsiz rivoyatlarda qo'llaniladi. Mashhur Nuh payg'ambarning o'g'illaridan birining oti Yofas edi. Yofasning to'ng'ich o'g'lining ismi esa Turk edi. XX asrning mashhur shoirlaridan Mag'jon Jumaboy shu voqeaga ishora qilib, "Turkiston – ikki dunyo eshigidir, Turkiston – er turklarning beshigidir" deb yozgan edi. Payg'ambarimiz hadislarida ham "turk" so'zi uchrar ekan. Ajdodlarimiz haqidagi ma'lumotlar qadim xitoy, hind, yunon, eron, arab manbalarida, sayyohlar, harbiylar, elchilar xotiralarida saqlanib qolgan. Masalan, ajdodlarimiz bir vaqtlar "iskit" ("sak", "saq", "saqa", Evropada "skif") deb nomlangan ekanlar. Bir qismi esa "massaget"lar deb atalganlar ("massaget" so'zining o'zagida ham "sak" atamasi bor). Qadimgi yunon olimi Herodot Sharq qabilalari orasida turg'itoylar yoki iskit yurtidagi turkiy (yurkey)lar haqida yozib qoldirgan. "Tavrot"da to'lharmalar nomi zikr etilgan. Qadimgi Xitoy manbalarida tik, di, tukyu qabilalarining nomi qayd etilgan. Aslida bularning hammasi "turk" so'zining turlicha shakllaridir. Eron rivoyatlaridagi Faridunning o'g'li Turaj yoki Tur ham shu nomga aloqador. "Turon" so'zi ayni shu shakldan kelib chiqqan. O'rxun-Enasoy obidalarida "turk" va "turuk" atamalari uchraydi. Turk so'zining ma'nolari xilma-xildir. U "qalpoq", "dubulg'a", "go'zal", "yetuklik chog'i", "dengiz qirg'og'ida o'tirgan odam", "jazm etmoq", "tarqalmoq", "yoyilmoq", "kuch-quvvat", "bo'ri" ma'nolarini beradi.

Qadimgi turkiy xalqlar yashaydigan joylar Turon deb nomlangan. Bu yerlarni forslar "Turonzamin" deyishgan. Qadimgi turkiylar o'z tili, madaniyati va adabiyotiga ega bo'lishgan. Bu tilning eng qadimgi davrlardagi taraqqiyoti haqida aniq ma'lumotlar mavjud emas. Dastlabki yozma manbalarning ayrimlari uch ming yillik, ko'pchiligi esa XIV-XV asrlik tarixga ega. Ko'p asrlik tarix silsilasida bu til namunalari shimoli-sharqda O'rxun-Enasoy obidalarida, shimoli-g'arbda xristian dini shaklidagi nasorolar yozuvlarida, janubi-sharqda budda dinida so'g'd, ***uyg'ur yozuvlarida, moniylik dinida moniy va uyg'ur yozuvlarida, so'ngroq*** *islom dinida arab yozuvi bilan yozilgan.*

Savdo aloqalarining kengayishi turli tillar va yozuvlarning ham keng tarqalishiga sabab bo'ldi. Uch ming yillar oldin yurtimizda Avesto, so'ng oromiy yozuvlari iste'molda edi. Keyinroq, oromiy yozuvi asosida shakllangan so'g'd va xorazmiy yozuvi ham qo'llanila boshlaydi. Bu yozuv yodgorliklari tangalar, muhrlar, kumush buyumlar va ayrim hujjatlarda aks etgan. Xorazmiy yozuvining eng qadimgi namunasi Qo'yqirilgan qal'asidan topilgan bo'lib, eramizdan oldingi III asrga oiddir. Meloddan oldingi IV asrda yunon yozuvi kirib keldi va ko'p yillar amalda bo'ldi.

So'g'd yozuvining namunasi Tali Barzu (So'g'd)dan topilgan sopol idish sinig'iga o'yib yozilgan va u eradan oldingi I asrga tegishli. Bu yozuv namunalarining II–III asrlarga oid obidalari Dunxuan (Sharqiy Turkiston)dan topilgan. Ularda Samarqandda yashagan ona va Dunxuanda turadigan qiz o'rtasidagi yozishmalar ifodalangan. Yozishmalar oilaviy turmush, O'rta Osiyo xalqlarining yuqori madaniy saviyasi haqidagi axborotlarni beradi.

Panjakent yaqinidagi Mug' tog'idagi qal'adan topilgan 400 ga yaqin buyum alohida ahamiyatga molik. Ular orasida ko'plab yozma manbalar ham bo'lgan. Charmga yozilgan arabiy bitik hujjatda lashkarboshi Divashtining jang oldidan ittifoqchilaridan yordam so'ragani bayon qilingan (VIII asr). Ayni paytda ular o'z davrining tarixiy hujjati va so'g'd tilining yodgorligi sifatida ham katta ahamiyatga ega.

Islomdan oldin turkiy xalqlar orasida keng qo'llangan yana bir yozuv – uyg'ur yozuvidir. Undan VI–VIII asrlarda foydalanilgan. U hatto arab yozuvi bilan yonma-yon holda XV asrgacha, Xitoydagi uyg'urlar orasida esa keyingi asrlarda ham iste'molda edi. U so'g'd yozuvi asosida shakllangan. Bu yozuv o'ngdan chapga qarab yozilgan. Unda 18 harf bor bo'lib, hamma harflar qo'shilib yozish imkoniyatiga ega. Shunga ko'ra ularning uch xil: so'z boshi, o'rtasi va oxiridagi shakli mavjud.

Turkiy xalqlar o'zlarining ko'p asrlik tarixlari davomida Uzoq Sharqdan O'rta yer dengizlarigacha,Janubiy Osiyodan shimol muzliklarigacha yoyilib, dunyoning uch buyuk qit'asi: Evropa, Osiyo va Afrikaga tarqalganlar. Ularning bir qismi o'troq, ikkinchi qismi esa, ko'chmanchi holda yashagan. Chorvachilik, dehqonchilik, hunarmandchilik bilan shug'ullanganlar. Muazzam shaharlar qurganlar, ulkan moddiy-ma'naviy madaniyat yaratganlar. XIX asrda yashagan olmon olimi Fridrix Hommelning aniqlashicha, bundan olti ming yil muqaddam dunyoga kelgan shumer elati dostoni "Gilgamish"da 350 turkcha so'z uchrar ekan. Yigirmanchi asrning mashhur shoirlaridan Hljas Sulaymonov bu faktni yangi-yangi ma'lumot bilan boyitdi.

Yurtsevarlik tuyg'usi bobolarimizda g'oyat baland bo'lgan. Shunday rivoyat tarix qatlarida keladi: Dushman turklarni urushga tortish uchun bahona izlaydi. Elchisi turk hukmdorining sevgan otini so'raydi. Ot yashin misoli yovga tutqich bermas edi. Qurultoy chaqiradilar. Qo'shin dushmanning surligidan g'azabga minadi, hukmdor ularni tinchlantiradi. Urush iztiroblaridan ko'ra sevgan otini bermoqni afzal ko'radi. Dushman bahona izlar edi. Shu sabab, endi turk hukmdorining sevgan xotinini so'raydi. Qo'shin junbushga keladi, hukmdor o'yga toladi. Nihoyat og'ir qo'zg'alib: "Men yurtimni muhabbatimga qurbon qilmayman", deydi va xotinini dushmanga berishdek og'ir iztirobni qabul etadi. Dushman esa urushga bahona izlar edi. Nihoyat, turk davlatining bir chetidagi hosilsiz, elatsiz, yaydoq quruq yerni so'raydi. Yana qurultoy chaqiradilar. Qurultoy mamlakat tinchligi uchun bu yaroqsiz yerni bermoqqa rozilik bildiradi. Lekin endi hukmdor junbushga keladi. "Yo'q!- deydi u.-Yurt bizninggina mulkimiz emas, mozorda yotgan otalarimizning va qiyomatga qadar dunyoga keluvchi avlodlarimizning bu tuproqda haqlari bordir... Yurtdan bir qarich bo'lsin bermoqqa hech kimsaning haqqi yo'qdir, endi urushamiz. Endi men dushmanga ot solaman, orqamdan ergashmaganga o'lim!", deya dushman tomon ot suradi. Bu qudratli Turk saltanatining xoqoni Medexon edi.

Bobolarimiz elning omonligini, yurtning farovonligini muqaddas tutganlar. Eng qadim so'zlardan bo'lgan "el" so'zining o'zi ham ishonch, tinchlik, omonlik ma'nolarini bildiradi. "Elchi" degan so'zimiz esa, mana shu "el"dan olingan.

Vatanimiz birgina turkiy, islomiy madaniyat emas, boshqa din, millatlar tarixiga oid ko'plab obidalarga ham ega. Yaqinda Surxondaryo viloyatida budda dini bilan bog'liq noyob obidalar topildi. Yaponiya olimlari yurtimizni qadim budda maydonga kelgan maskan sifatida e'tirof etdilar. 2001-yilda O'zbekiston hukumati zardushtiylik dinining muqaddas kitobi bo'lgan "Avesto"ning 2700 yilligini nishonladi.

Obi havosi qulay, yer osti va usti xilma-xil boyliklarga boy jannatmakon yurtimiz hamisha do'st-dushmanning e'tiborida bo'ldi. Miloddan ming yil oldin bu o'lkaga eroniylar kirib kela boshladilar. Bu hol, ayniqsa, ahmoniy hukmdorlar Kir (558-530-yillar) va Doro I, Doro II, Doro III (VI-IV asrlar) davrlarida avj oldi. So'ng esa IV asrda "Rum qaysari" Iskandar Maqduniy (Makedoniyalik Aleksandr) bostirib keldi... Qadim tariximizda ulardan boshqa ham istilochilar ko'p bo'lgan. Biz ulardan eng yovuzlarini sanadik xolos. Erkparvar bobolarimiz hech qachon dushmanga osonlikcha bo'ysungan emaslar. To'maris, Shiroq afsonalari, Spitamen haqidagi rivoyatlar bunga dalil. Xalq ko'p o'tmay, o'z mustaqilligini qo'lga olgan, istilochilarini yurtdan quvib chiqargan. Lekin istilolar vatan va millat tarixida fojiali izlar qoldirgan: xalq qirilgan, yurt talangan, qadriyatlar oyoq osti qilingan, ma'naviyat, birinchi navbatda, til-madaniyat buzilgan. Xalq o'z ona tilini unutish darajasigacha borgan.

Turkiy xalqlar olis tarix davomida zardo'shtiylik, buddaviylik, manixeylik, shomoniylik singari e'tiqodlarga amal qildi. Bu e'tiqodlar uning hayot tarzi, urf-udumlari, ma'naviyatida sezilarli izlar qoldirdi. Ajdodlarimiz o'z tarixiy taraqqiyotlari davomida ovchilik, chorvachilik va dehqonchilikdan tortib hunarmandchilik, yer osti qazilmalarini topib, qayta ishlash kabilargacha shug'ullandilar.Jahon taraqqiyotining dastlabki unsurlaridan bo'lgan g'ildirak arava ko'chmanchi bobolarimiz ixtirolaridan edi. Eramizdan ming yil oldin yaratilgan oromiy yozuvini, so'ng esa uning asosida shakllangan so'g'd, uyg'ur, arab kabi yozuvlarning maydonga kelishi va taraqqiyotida buyuk bobolarimizning xizmatlari bor. Meloddan oldin shakllana boshlanib, 5-7 asrlarda faol ishlatilgan O'rxo'n-Enasoy yodgorliklari turkiylarning daxlsiz merosidir.

(Davomi bor)

Ulug' mutafakkir Abduxoliq G'ijduvoniyning 900 yilligi oldidan

АЁН ДУНЁ СОЛИКЛАРИ

Абдухолиқ Ғиждувоний комил инсон ҳақида

Илк қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёда диний тасаввуфий тариқатларнинг вужудга келиши ва уларнинг минтақамизда кенг ёйилиши X асрдан бошлаб содир бўлган. Диний-тасаввуфий қарашлар илк бор Ҳаким ат-Термизийнинг (вафоти 908 й.) "Китоб хатм ул-вилайя" ва Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Калободийнинг (вафоти 995 й.) "Китоб ат-таъриф ли мазҳаб ул-тасаввуф" каби асарларида шакллана борган ва ривож топган. Бу ғоявий қарашларнинг кейинги эволюцияси Абул Ҳасан Али ал-Ҳарақоний (вафоти 1034 й.) ва Абу Али ал-Фармозий (вафоти 1084 й.) кабиларнинг номларига бориб тақалади. Абу Али ал-Фармозийнинг шогирдлари Абу Аҳмад ал-Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадоний устозининг тасаввуфий-ирфоний анъаналарини муайян изчиллик билан давом эттирган бўлсалар, Ҳамадонийнинг шогирдлари Аҳмад Яссавий ва Абдухолиқ Ғиждувонийлар эса тасаввуфда яссавийлик ва хожагон тариқатларининг шаклланишига асос солдилар.

Хожагон тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Ғиждувоний (1103—1179) Бухоро яқинидаги Ғиждувон туманида таваллуд топган. Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида таъкидланишича, Абдухолиқ Ғиждувоний тасаввуф соҳасининг олими ва орифи имом Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадонийнинг Бухорога келганлигидан хабардор бўлиб, у кишининг суҳбатларига мушарраф бўлади ва уни ўзининг пири деб эътироф этади.

Абдухолиқ Ғиждувоний зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллашда ўзида зўр иқтидор ҳис қилади ва қисқа муддат мобайнида диний-тасаввуфий таълимотнинг бой анъаналаридан бохабар бўлади. Орадан узоқ муддат ўтмасдан у тасаввуфнинг янги тариқати—хожагон тариқатининг ижодкори ва асосчисига айланади. Ғиждувоний "Маноқиби хожа Юсуф Ҳамадоний", "Васиятнома", "Маслак ал-орифин", "Рисолайи салоҳия", "Рисолайи шайх уш-шуюх ҳазрати хожа Юсуф Ҳамадоний", "Мақсад ас-соликин", "Одоби тариқат" каби қатор асарларида диний-тасаввуфий тамойиллар ва қарашларда янги даврни бошлаб берган машҳур мутасаввуфдир.

Ғиждувонийнинг диний-тасаввуфий қарашларида ўзида диний ва дунёвий қонун-қоида ва талабларни теран сингдирган баркамол инсон шахсини шакллантирган шайх, ориф тимсолини кўрамиз. Унинг маънавий-руҳий юксалишида сўз-имон ва тадбир-амал ўзаро муштараклигига эришиш саъй-ҳаракати мутасаввифнинг асосий мақсад-муддаоси бўлиб хизмат қилади. Ислом ва тасаввуф аслида баркамол инсон суврати ва сийратини ҳазрат Муҳаммад пайғамбар (САВ) қиёфасида яққол кўрса-да, Ғиждувонийга кўра, бу маънавий юксалиш насибаси, имкониятларидан Ҳақ воситасига хос даъвогар орифлар ҳам бенасиб эмасдирлар.

Шуниси эътиборлидирки, баркамол инсон мартабасига етишишда насл-насаб, табақа ва тоифага кишиларнинг мансуб эканлиги муҳим аҳамият касб этмайди. Бунда соликнинг илм-маърифатга бўлган рағбати, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, ўз олдига қўйилган мақсад сари тинимсиз интилиш, ахлоқ-одобга ёпишиб олган иллатлар, ёвуз ният ва амалга қарши доимий кураш, ёмон хулқ-атворни зер-забар қилиш, яхши фазилатларни шакллантириб бориш муҳим роль ўйнайди. Мутасаввуфнинг диний-тасаввуфий имон-эътиқодига кўра, биринчидан, баркамол инсон мартабасига етишишга Ҳақнинг ўзи розилик амрифармонини берган. У оддий лойдан яратилган одам зотини ҳазрати инсон даражасига кўтариб, унга сажда қилишни барча фаришталарга буюрган. Инсонни тан олмаган ва такаббурлик билан унга сажда қилишдан бош тортган иблис эса жаннатдан абадул-абад қувғин қилинган. Демак, ҳазрати инсонни қадрламаган, унга зулм қилган, унга мурувват ва меҳрибонлик кўрсатмаган ҳар қандай одам лаънати шайтондан асло фарқ қилмайди.

Иккинчидан, ҳар бир инсоннинг тақдир-қисмати азалий бўлса-да, уни рўёбга чиқаришга унинг ўзи масъулдир, чунки Ҳақ таоло яхши ният ва эзгу амалларга ризолик бериб, ёмон-аммора амал-феъларни инсон зотига раво кўрмайди. У эзгулик соҳиби. Оллоҳ ҳеч қачон атайлаб бандаларига ёмонликни истамайди. Инсоннинг ижобий феъл-амаллари аён дунё, яъни биз яшаб турган оламда шакллана боради, чунки Абдухолиқ Ғиждувонийга кўра, бу дунё у дунёга тайёргарлик кўришнинг ягона воситасидир. Шундай экан, ушбу воситадан ҳар томонлама самарали фойдаланиб қолиш бандаи-мўминнинг масъулиятли бурчидир. Шайтони лаъин васвасасига гирифтор бўлган одам яратган Холиқ олдидаги ўз масъулияти, бурчини унутиб қўяди, истиғфор қилиш зарур эканлигини хотирасига келтирмайди, унинг берган имкониятларидан тўлатўкис фойдаланишга ўз диққат-эътиборини жалб қилмайди.

Айбсиз парвардигор, деганларидек, Холиқнинг гуноҳсиз бандаси ҳам бўлмайди. Шундай экан, ҳар бир инсон манманликка берилмасдан, такаббурлик қилмасдан, Оллоҳ олдидаги бурчини сидқидилдан адо этишга доимо шай бўлиб турмоғи лозим. Истиғфор йўли — кечирим сўраш тамойили виждон осудалиги, йўл қўйган айб ва гуноҳлардан фориғ бўлишни истамаслик ёки уларни назар-писанд қилмаслик инсоннинг маънавий камолотига путур етказади, буюклик мартабасига эришишга ҳалақит беради. Тавба мақоми орқали ориф шайх юксак маънавий-ахлоқий сифат ва эзгу фазилатларга эришиб, Яратганнинг ризолигига қарши бўлган сўз ва амаллардан софланади, каттакичик гуноҳларни содир этишдан ўзини тияди, ички оламини "гуноҳ ғубори"дан поклайди, қалбини илоҳий нур билан нурафшон этади ва юксак камолотга етади.

Инсон қалбини турли-туман иллатлар, унинг маънавий баркамолликка эришишида учраб турадиган қусурлардан халос этиш, ахлоқий-маънавий қиёфани тубдан ислоҳ қилиш "инсон ул-комил" даражасига эришишнинг муҳим ва эътиборли шартидир. Ўз олдига комил инсон бўлишдек буюк мақсадни қўйган солик борига шукр қилиши ва йўқ бўлса сабр қилмоғи даркор бўлади. Борига сабр қилиш, нафсни сабр орқали жиловлаш, унинг хилма-хил кирдикорларига қул бўлмаслик, фавқулодда қийинчиликларга рўпара келганда сабр-қаноат қилиш, бу дунё ва у дунё машмашаларидан қўл силтаб ўтмаслик зарур. Бу борада Абдухолиқ Ғиждувонийнинг "Дил бао ёру даст бао кор" ҳикматли шиори кейинчалик бориб нақшбандия тариқатининг эътиборли тамойилига айланди.

Ғиждувонийнинг баркамол инсон тўғрисидаги тасаввурларида фақирлик (камтарлик) муҳим мақомга эга. У аслида соликнинг юмшоқлиги, ақли, зоҳирий ва ботиний поклиги, ҳаё, жавонмардлиги, сир сақлаш, таваккул, ўзгалар аҳволига бефарқ бўлмаслик, ихтиёрни пирга топширишдан иборатдир. Фақирлик орқали солик астасекин боридан ортиғига даъво қилмасликни ўзи учун етуклик одатига айлантиради ва натижада кўпчиликка насиб этмаган маънавий камолот поғонасига кўтарилади. Абдухолиқ Ғиждувоний реал имкониятлардан келиб чиқиб, барчани комил инсонлар қилиб тарбиялаш мумкин эмаслигини яхши билади, чунки аксарият кишиларнинг муддаоси бу дунё лаззатлари, уларни қўлга киритиш билан банд. Уларни осонликча тўғри йўлга солиб юбориш, маънавий камолот чўққисига чорлаш ва самарали натижага эришиш мушкул эканлигини яхши билади. Унинг назарида соликларгина бундай юксакликка мушарраф бўла оладилар.

Хуллас, ҳозирги шароитда тижорат ишларига кенг йўл очиб берилиши натижасида кишилар ўртасида янги ўзига хос муносабатлар шакланиб бормоқда. Бундай вазиятда баркамол инсонга хос фазилатларни шакллантириш, уларнинг барқарор бўлишини таъминлаш жамиятнинг умумий равнақини тезлаштиради. Бунда Абдухолиқ Ғиждувонийнинг баркамол инсон тарбияси тўғрисидаги ғоялари муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир, чунки ҳар қандай мўл-кўлчиликнинг мақсади ҳам ҳазрати инсон маънавий қиёфасини юксалтиришдир.

Расулжон НОСИРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

ХОЖАГОН ТАРИҚАТИНИНГ БУЮК АСОСЧИЛАРИ

IX—XI асрларда Марказий Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч каби шаҳарлари гуллаб-яшнади, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий, ахлоқий ва фалсафий таълимот, илм-фан тез суръатлар билан ривожланди, буюк тафаккур эгалари етишиб чиқди. Хожагон — нақшбандия тариқатининг асосчилари Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний кабилар ўша даврда яшаб ижод этган улуғ алломалар эди. ЮНЕСКО ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шу тантаналарга қизғин тайёргарлик бораётган бир вақтда республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази Убайдулло Эргашевнинг "Юсуф Ҳамадоний ва Абдухолиқ Ғиждувоний — хожагон тариқати асосчилари" рисоласини чоп этди (масъул муҳаррир профессор Н.Комилов. Т., "Адолат", 2003).

Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми Юсуф Ҳамадоний, иккинчи қисми Абдухолиқ Ғиждувоний ҳаёт фаолиятларига, учинчи қисми эса қалб сири, яъни инсон қалби — ички дунёсининг туб моҳиятини очишга бағишланган.

Китобнинг Юсуф Ҳамадонийга бағишланган қисмида кенг ўқувчилар оммасига ҳали маълум бўлмаган унинг ҳаёт йўли, тасаввуф илмига қўшган улкан ҳиссаси таҳлил этилади. "Тасаввуф, — деб ёзади муаллиф, — бу бир томондан, дин ва фалсафа ва табиий илмлар билан боғлиқ бўлган ўзига хос мураккаб таълимотдир. Чунки у ўз таркибида қўшимча моддий олам тараққиёти сирларига хос билимларни ҳам қамраб олади, у инсоннинг ички оламини, ундаги яширин қобилиятларни очиш учун фан тараққиётига кучли таъсир қилади. Дин эса оятларнинг қироати, пайғамбар ҳадисларини зоҳиран ўрганиш, олам яратилиши ва тузилишининг диний йўлларини кўрсатади" (9-бет).

Ўз даврининг бузруквор шайхи— Юсуф Ҳамадоний Ҳамадон (Эрон) шаҳридан Каъбатуллога боради, у ерда ҳазрати Хожаи Хизр Алайҳиссалом билан учрашиб, ундан тасаввуф илмини ўргана бошлайди. Хожаи Хизр Алайҳиссалом Юсуф Ҳамадонийга қалб зикрини ижро этиш усулидан таълим беради. Шайх Юсуф Ҳамадоний Хожагон тариқатининг мазмун ва моҳиятини тўла эгаллайди. Шундан сўнг у Самарқандга бориб, ўз шогирдларига пайғамбаримиз таълимотини ўргатади. Китоб муаллифи Ҳамадонийнинг Самарқандга келиш мақсадига тўхталиб шундай ёзади: "Бизнинг хожамиз... Самарқандга келдилар. Мақсадлари халқу халойиқни тўғри йўлга бошлаш, Олло таоло каломи ва унинг ҳабиби ва расули Муҳаммад Мустафо с.а.внинг фаолиятлари билан таништириш, ҳудудда тинчлик, осойишталик, обод ва озод шароит ташкил қилишдан иборат эди".

Шайх Юсуф Ҳамадоний Самарқандда фаолият кўрсатган вақтларда, XI асрда Самарқанд обод, ривожланган, маданият ва маърифат марказларидан бири эди. Муаллиф Юсуф Ҳамадонийнинг таълимотидан юзлаб, минглаб кишилар баҳраманд бўлаётганлигини шундай таърифлайди: Хоразмдан Бадахшонгача яшайдиган шоҳу гадо Шайхнинг муридлари бўлиб, у киши кўрсатган тариқатга, яъни тўғри йўлга риоя қилган.

Ўша вақтда илоҳий маърифатга эришиш, покланиш хислатларини такомиллаштириш, тафаккур майдонини кенгайтиришга оид таълимот анча ривож топди.

Хожагон тариқатининг асосий русумларидан бири зикр айтишдан иборат бўлиб, унда ихлос калимасининг чуқур фалсафий маъноси мужассам ифодасини топар эди. Зикр амали шайх Юсуф Ҳамадоний таълимотининг асосини ташкил этарди. Китобда булардан ташқари шайх ҳаёт-фаолиятининг кўплаб қирралари, фазилатлари, карорматлари, васиятлари ўрин олган.

Китоб муаллифи қуйидаги маълумотни ўқувчилар эътиборига ҳавола этган: "Мовароуннаҳрда хожагон сулукини тарқатган буюк шайх Юсуф Ҳамадонийнинг қабрлари Самарқанд шаҳар марказида, "Спартак" стадиони ёнида қадимий пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, кейинчалик таъмирланган ва халқимизнинг зиёратгоҳ масканига айланган".

Юсуф Ҳамадоний таълимотини Абдухолиқ Ғиждувоний назарий ва амалий жиҳатдан давом эттирди ва умрининг охиригача унга содиқ бўлиб қолди.

Кўҳна Турон заминининг кўҳна шаҳри — Бухоро буюк тафаккур авлодлари, пири комилларини, олий мартабали алломаларини етиштирди. "Бухорои Шариф, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов, — ўзининг буюк фарзандлари, азиз-авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга танитган табаррук масканди".

Ўз замонасининг ўша азизу авлиёлари ҳақиқат пирлари бўлиб, ўз билимлари, хулқ-атворлари билан кишилар онгига ислом мафкураси, қадриятлари, мусулмончилик турмуш тарзларини сингдириб келганлар.

Рисола муаллифи XVII аср бошида форс тилида ёзилган "Силсилаи Азизон" қўлёзмасини таржима қилиб китобхонга ҳавола этади ва унга шарҳ берар экан, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний илм-маърифатли хонадон фарзанди бўлганлиги, ёшликда Қуръони Каримни ёд олганлиги, ўз даврининг фалсафий билимларини чуқур эгаллаганлигини таъкидлайди. Хожа Юсуф Ҳамадоний ёш Абдухолиқ қалбида Оллоҳ зикри борлигидан хурсанд бўлиб, шогирдликка қабул қилади.

У дастлаб ошкора зикрдан таълим беради ва кейинчалик устозининг рухсати билан махфий зикр билан машғул бўлади ва унга асос солади. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний одамларни тўғрилик, поклик, эътиқодли бўлишга чақиради, таълим олган жамият соғлом ҳаёт кечириши, меҳр-оқибатли бўлишини таъкидлайди. Ғиждувоний оила мустақиллигини ҳурмат қилишга, бошқалар тинчлигини бузувчи шахсларга тегишли жазо берилиши лозимлиги, ҳаётда ҳалол, пок яшашни тарғиб қилади. Шунинг учун ҳам у зотдан одамлар ибрат олиб яшаганлар, хурматини жойига қўйганлар. Абдухолиқ Ғиждувоний ўз таълимотларида яхши дўст танлаш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, шайтоний нафсга, ортиқча ҳиссиётларга берилмаслик, Оллоҳ измидан чиқмаслик, Қуръони Карим оятларига риоя қилишни даъват этиб келган. Аёл зотининг ахлоқий поклиги, вафодорлиги ва бузрукворлиги ҳақида, яъни илоҳиётнинг муқаддас бандаси эканлигини, одамлар олдида доим аёллик иффатини, шармҳаёни сақлаш лозимлигини, улар туфайли жамиятда ҳаёт барқ уриб туришини таъкидлайди.

Ғиждувоний ўз таълимотларида яхши хислатли одамларга эргашиш, ёмон хислатли одамлардан узоқлашишга чақирди, замонасининг бойваччалари доимо айш-ишрат билан банд бўлиб, нопок ишлари туфайли оддий халқ ғазабига дучор бўлишларини ўз ўгитларида баён қилади.

Абдухолиқ Ғиждувоний билан Ҳамадоний ўртасида тасаввуф фалсафаси, руҳий поклик, бурч ва мажбурият, одоб ва ахлоқ, инсоний қадриятлар, илоҳиёт, фалакиёт тўғрисида фикр алмашишлар, мулоқотлар изчил давом этиб келган. Бунинг натижасида Абдухолиқ Ғиждувоний билимдон, баркамол инсон сифатида халқ ўртасида иззат-икромга сазовор бўлади.



"Улар чуқур тафаккур асосида, — деб таъкидлайди рисола муаллифи, — муаммолар билан боғлиқ бўлган тарихий, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, маънавий, мафкуравий масалалар қонуниятларини очиб бериш билан бирга, фуқарони руҳан покланиш, қалбан эътиқод қилишга, инсофу диёнатга, ҳалол- пок турмуш тарзини ўтказиш учун йўл-йўриқлар кўрсатган шайхлар бўлиб ҳисобланади".

Эндиликда мустақиллигимиз туфайли мутафаккир аждодларимиз қолдирган маънавий-фалсафий, илоҳий қадриятларни, адабий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларни ҳар томонлама ўрганиш, бу дурдоналардан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди.

Абдухолиқ Ғиждувонийдан бизгача "Одоби тариқат" ("Тариқат одоби"), "Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний" ("Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тутган ўрни"), "Аз гуфтори Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний" ("Абдухолиқ Ғиждувоний айтганларидан") каби асарлар етиб келган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Ушбу рисола ғоят содда тилда ёзилганлиги, фикрлар лўнда ва тушунарлилиги билан шу йўналишдаги китоблардан фарқ қилади, безаклари китоб мазмунини очишга хизмат қилади.

Ушбу китобнинг нашр этилиши мустақиллик туфайли аждодлар томонидан қолдирилган қадриятларни эъзозлаш, аждодларимиз фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш имкониятини беради. Айниқса китобнинг буюк аллома Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги арафасида чоп этилиши бу улуғ зот руҳини янада шод этади, деб ўйлаймиз.

Ғафур АБДУМАЖИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор,

Содиқ МЎМИНОВ,
тарих фанлари номзоди

МАЪНАВИЯТ БУЛОҚЛАРИ

Мана икки йилдирки, Тўрткўл туманида фаолият кўрсатаётган ўлкашунослик музейида тарихий маълумотлар, кўргазмалар, иш қуроллари, уй қуроллари мозий ҳаётидан хабар бериб туради. Ота-боболаримиз қандай ҳаёт кечирганлиги, нималардан фойдаланганлиги, маиший-иқтисодий турмушини бугун билан бемалол таққослаш мумкин. Музейда машҳур ўқитувчилар Роман Оллаберганов, Содиқ Ҳусаинов, Эгамберди Розметов, Зариф Қурбонниёзов, Олим Исмоилов, Олим Қурбоновлар ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Айниқса, ўтган ўқув йилида жуда кўп ўқувчилар (43, 33, 17, 23, 2, 19, 64-мактаблардан) келиб музейни томоша қилишди, ўлка тарихи билан танишдилар. Таътил даврида қишлоқдаги "Лочин" оромгоҳига келиб дам олаётган Нукус, Тўхтакўпир, Чимбой тумани ўқувчилари ҳам катта таассурот олиб кетишди. Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар, тарих билан юзма-юз келган ўқувчилар қалбида ҳайрат уйғонди. Жуда кўп саволлар бериб жавоблар олишди.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Ўлкашунослик музейи илмий ходими

Устоз муаллимсиз
қолса бир замон,
Нодонликдан қора
бўларди жаҳон.

Бундан олти аср муқаддам яшаб ижод қилган буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий устозлар ҳақида шундай фикр билдирган эди. Шогирдлар томонидан осмондаги офтобга қиёс этиладиган, отадек улуғ дея таърифланадиган зотлар — бу устозлардир. Ҳа, бу номни эшитганингизда юрагингизда аллақандай ёқимли ҳис пайдо бўлади. Беихтиёр мактабга қўйган биринчи қадамингиз, алифбони ҳижжалаб ўқиганларингиз эсингизга тушади.

Ta'zim

Адибларимиздан бири устозни чархпалакка ўхшатган эди. Ҳақиқатан ҳам, устоз бизни юксакликка олиб чиқади. Биз ана шу юксакликдан мустақил ҳаётга қадам қўямиз. Агар биз ҳаётда ўз ўрнимизни топиб, улкан муваффақиятларга эриша олсак, биздан ўн чандон ортиқ хурсанд бўладиган, қалби ифтихорга тўладиган зот ҳам устоз ҳисобланади.

Мен ҳозирда республика нафис санъат лицейида таҳсил олаяпман. Тўғрисини айтганда, бу ерга келиб лицейдаги муҳитга 4-5 ойгача кўника олмадим. Бу ерда ўрнатилган қаттиқ тартиб-интизом ўқувчиларни дарсга жиддий ёндашишга ундайди. Олий малакали устозлар дарсни жуда чуқурлаштириб ўтадилар. Шунингдек, лицейимизда фан ойликлари, машҳур ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Буни қарангки, мен лицейдаги муҳитга кўникиб, ҳатто шундай жойда ўқиётганлигимдан фахрлана бошладим.

Дарвоқе, гапни устозлар ҳақида бошлаган эдик, юқоридаги гапларнинг хулосаси сифатида шуни айтиб ўтиш жоизки, устозлар маънавият булоқларидир. Жамиятимиз ана шу булоқлар ҳисобига гуллаб-яшнайди.

Абдувоҳид ЎНАРОВ,
Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи ўқувчиси

Ўзбекистон Бадиий Академияси замонавий санъат марказида японияли безакчи рассом Фудзисиро Норионинг "Но театри нақоблари" плакатлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Рассомнинг плакатлари анъанавий Но япон театрининг асосий нақобларини намойиш этмоқда. Фудзисиро Норионинг асосий мақсади — Ўзбекистон аҳолисини япон ёшлари орасида тобора ўз тушунчасини йўқотиб бораётган энг қадимги япон театр санъати шакллари, шунингдек, халқаро терроризм, уруш ва бошқа жуда муҳим замонавий муаммоларга диққатларини жалб этишдан иборат.

Шу ерда Но япон театрининг нақоблари қандай кўринишда?— деган саволга жавоб изласак.

Но — бу театр санъатининг фавқулодда услубий шаклларидан бири бўлиб, унинг туб илдизлари Япония тарихидаги феодал даврларга бориб тақалади. Ушбу театрда грим ўрнига нозик ўйилган нақоблар қўлланилган. Қоидага кўра, нақоблар бир ёки ундан ортиқ нейтрал ифодавийликни намоён этади, ёхуд кучли ҳиссиётлардан бирини тасвирлаб беради. Умуман, 80 га яқин нақоблар мавжуд бўлиб, уларда анъанавий Но япон театри актёрлари томонидан ижро этилган турли характерлар талқин этилган.

"Ўзбекистондаги Япония маданияти кунлари" анъанавий тадбирлари доирасида ўзбекистонликларни анъанавий ва замонавий Япония маданиятининг турли кўринишлари билан таништиришга бағишланган мазкур кўргазма 17 ноябргача давом этади.

Моҳина БЕКНАЗАРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

«НО ТЕАТРИ НИҚОБЛАРИ»

Okeanlarda bir nechta o'nlab daryolardan ham katta bo'lgan iliq va sovuq oqimlar mavjud. Masalan, Atlantika okeanidagi Golfstrim iliq oqimi soatiga 10 km. tezlikda oqadi. Suv oqimining kengligi 70-120 km.gacha, chuqurligi 700 metrgacha boradi.

Qor erib bo'lganda ekinlar ham pishib bo'lgan va nisbatan suvga ehtiyoj kamaygan bo'ladi. O'sha, qor erishdan to'xtaydigan chegara "Qor chizig'i" deb ataladi.

ЎРИШБОЙ БОБОДАН ҚОЛГАН МЕРОС

Ҳикоямиз қаҳрамони Фориш туманининг номи улуғ инсонларидан бири Ўришбой бобо Муҳаммадиевдир. У кишининг номларини ҳозирги ва келажак авлод ҳурмат ва ифтихор ила тилга олгай. Сабаби, Ўришбой бобо замондошларига ибрат бўладиган ишларни бошлаб кетди. (Илоҳим охирати обод бўлсин). У киши ҳеч вақт эл-юрт хизматидан чарчадим, ҳоридим, демасди. Ҳамма вақт кўча-кўйда эски кўприкларни тузатиб, йўлларнинг ўйдим-чуқур жойларини текислаб юрарди. Ўришбой бобо ҳақиқатан ҳам саховатпеша инсон эди. Унинг бу таърифга лойиқлигини кўпгина ишларида кўрса бўлади. Миллий қадрият ва анъанавий меросимизни асраб-авайлашда, қадим ота-боболаримизнинг қадамжоларини таъмирлашда Ўришбой бобонинг хизматлари беқиёсдир. Жумладан, саховатли бобонинг ўз шахсий маблағи эвазига Кўса қишлоғимизнинг фахри ҳисобланган Қораобдол ота қабри устига муҳташам мақбара ёдгорлигини қурдириши фикримизнинг ёрқин далилидир. Янгидан барпо этилган мақбаранинг очилиш маросимига келган вилоят ваакиллари ва қишлоқ аҳли ҳам Ўришбой бобонинг ҳимматларини юқори баҳоладилар.

Ehtirom

Дарҳақиқат, Ўришбой бобонинг қадимий ёдгорликларга меҳри бўлакча эди. У киши мақбарадан ташқари Қораобдол ота қабри ёнгинасидаги тепаликдаги ғорга гумбаз ўрнатди. Айтишларича, бу тепалик қадимда аждодларимизнинг маълум маънода халоскори бўлган экан, яъни қишлоғимизга душман бостириб келганида бу ерга чиқиб, гулхан ёқилган. Атрофдаги қишлоқ одамлари эса бу гулханни кўриб, кўшни қишлоқ хавф остида турганлигини сезиб, ёрдамга келишар экан. Маълум вақт ўтгандан кейин бу тепаликда ғор пайдо бўлган. Бу ғорда одамлар қишлаш учун ҳам яшаганлар. Оғзи ўпирилиб, ўт-ўланлар босиб ётган ғор Ўришбой бобо туфайли сўлим гўшага айланди. Қишлоқ оқсоқоллари ҳар куни қатнайдиган масжиднинг ҳам баъзи жойларини таъмирдан чиқарди.

Қолаверса, Ўришбой бобо қишлоғимиз марказидан оқиб ўтувчи сой устидаги ачинарли ҳолга тушиб қолган кўприкни ҳам таъмирдан чиқарди. Илгари бир одам ўтиши ҳам хавфли бўлиб қолган бу кўприкдан ҳозир катта-катта юк машиналари ҳам бемалол қатнаб турибди. Энг асосийси, мактаб ўқувчиларига жуда қулай бўлди. Негаки, улар қиш мавсумида қўшни қишлоқдаги катта кўприкдан айланиб ўтардилар.

Бу дунёда яхши инсонлардан фақат эзгу ном қоларкан. Шундай экан, Ўришбой бободан эзгу ном ва каттагина мерос қолди. Биз бу инсон билан фахрланамиз. Қилган ишларини ҳеч қачон унутмаймиз.

Зафар МАЖИДОВ,
ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси

Xalqaro hamkorlik

КОЛЛЕЖДА ГЕРМАНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги бир қатор таълим муассасаларида хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Чунончи, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти билан Германиянинг "Inwent" жамғармаси ўртасида имзоланган шартномага биноан шу кунгача ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг уч юз нафари Германия ва мамлакатимизда ташкил этилган семинар-тренингларда қатнашдилар.

Ушбу алоқалар натижасида касб-ҳунар коллежларида метални қайта ишлаш, санитария техникаси, ахборот технологиялари ва автомобилсозлик мутахассисликлари бўйича фаолият кўрсатаётган етмиш нафардан ортиқ мультипликаторлар бевосита Германиянинг нуфузли таълим муассасаларида тажриба орттирдилар.

Яқинда Германиянинг Манхейм шаҳридаги "ИФБ" автомобилсозлик ва транспорт соҳасида халқаро малака ошириш институти раҳбари доктор Вольфганг Ениш, "Inwent" ташкилотининг масъул ходими, техник ҳамкорлик, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи жаноб Дюк ҳамда Гросс-Герау шаҳар электротехника ахборот технологиялари соҳасида малака ошириш институти раҳбари, доктор Дитмар Крауздан иборат делегация республикамизга ташриф буюрди. Сафар давомида меҳмонларга "Inwent" томонидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти халқаро эксперти доктор Ҳабибурраҳмон Ҳабиб ҳамроҳлик қилди.

Ташриф дастурида белгиланганидек, меҳмонлар Тошкент автомобиль ва йўллар, Мирзо Улуғбек информатика ҳамда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳридаги ушбу соҳага оид иккита касб-ҳунар коллежлари фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида "Марказий Осиё давлатлари билан малака ошириш жараёни ва дастурлари ҳамда халқаро муносабатлар" мавзуидаги амалий семинарда иштирок этдилар.

Тошкент автомобиль ва йўллар коллежига ташриф буюрган меҳмонлар таълим муассасасида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари, ўқувчи-ёшларнинг ҳаёти ва ўқиш жараёни, коллеж дарсхона, ўқув лаборатория ва устахоналари билан танишиб, ўқитувчилар билан мулоқотда бўлдилар.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи "Маънавият ва маърифат" бўлимининг масъул ходими

СУВ ВА ҲАЁТ

Инсон тириклиги сув билан. Сув борки, ҳаёт бор. Кундалик турмушимизни, ҳаётимизни сувсиз ҳатто тасаввур ҳам қилолмаймиз. Тасаввур қилиш не, баъзида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаймиз, эътибор ҳам бермаймиз. Олдимиздан оққан бебаҳо сув бекадр қолаверади. Бир пиёла сув кифоя бўлгани ҳолда жўмракдан челаклаб сувни беҳуда оқизиб қўямиз. Аслида сув қадрини инсон сувга зор бўлгандагина билади. Худо кўрсатмасину тасаввур қилинг: ҳамма нарса бўлсаю сув бўлмаса, фарзандингиз сув дея чирқираб турса, қақраб кетганингиздан ҳатто ютинолмай дунё кўзингизга қоронғу бўлиб кетса... бир сувга қонмоқ энг катта армонга айланади, қултум сув учун дунёингиздан воз кечиб юборишга тайёр бўласиз. Дунё нима, сувсизликдан агар жон ҳалқумга келса!

Афсуски, биз бу ҳақда ўйламаймиз. Ва бу беўйлигимиз ўз наслимизга, фарзандларимизга, келажагимизга катта фожеа бўлиб қайтиши мумкин. Улар бизнинг исрофгарчиликларимиз азиятини чекиши мумкин. Мумкин эмас, аниқ. Ким ўз фарзандига ёмонликни раво кўради. Демак, биз фарзандларимизга нафақат шахсий таъминотлари учун моддий мол-мулк, балки ҳаётлари учун энг зарур бўлган тоза ва танқис бўлмаган СУВ ҳам қолдиришимиз зарур.

Жорий йилимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан "Халқаро чучук сув йили" деб эълон қилинди. Бу бежизга эмас. Мақсад, бугунги кунда нафақат инсоният, балки бутун тирик мавжудот, курраи заминимиз учун энг улкан муаммога айланиб бораётган сувдан оқилона фойдалана билиш масаласига дунё ҳамжамиятининг, кишиларнинг эътиборини кучайтиришдир. Ўзбекистонда ҳам бу йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ушбу масалаларга ҳамоҳангдир. Зеро, маҳалла сув билан обод. Обод маҳалла аҳли эса, сувдан оқилона фойдалана билиш кўникмасига эга бўлган кишилардир.

Мавзу ва муқаддимадан англаганингиздек, бугунги суҳбатимиз сув ҳақида. Агарда, ушбу ёзилганларни ўқиб сувга бўлган эътиборингиз озгина бўлса-да, кучайса – муддаомиз шу.

Суҳбатдошимиз Низомий номидаги ТДПУ география ва уни ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти, география фанлари номзоди, жонкуяр олим Зокир Райимжонов.

— Борлиқ тўрт унсурдан ташкил топган, дейилади: сув, ҳаво, тупроқ, олов. Бирибиридан муҳим бу тўрт унсур ичида сувнинг ўрни алоҳидадек туюлади. Келинг, суҳбатимиз аввалида бутун ер курраси мавжуд сув заҳиралари ҳақида тўхталиб ўтсак.

— Маълумки, курраи заминимиз бир нечта ташқи қобиқлардан иборат. Булар: Ернинг қаттиқ қобиғи — литосфера (бу қобиқ "ер пўсти" деб ҳам аталади), Ерни ўраб турган ҳаво қобиғи — атмосфера, тирик организмлар яшайдиган қобиқ — биосфера, сув қобиғи эса, гидросфера деб аталади. Ернинг умумий майдони 510 млн км² бўлса, шунинг 71 фоизини сув ташкил қилади. Гидросферага океанлар ва денгиздаги сувлар, қуруқликдаги дарёлар, кўллар, сув омборлари, тоғларда йиғилган қорликлар ва музликлар, ер ости сувлари ва ер атмосферасидаги намликлар киради.

Сайёрамиздаги сувларнинг 96 фоизи дунё океани ва денгизларга, 2 фоизи музликларга, 2 фоизи дарё ва ер ости сувларига тўғри келади. Инсонлар ўзларининг барча эҳтиёжлари учун саноатда, қишлоқ хўжалигида, турмушда ҳозирча мана шу икки фоизгина чучук сувлардан фойдаланмоқда. Асосий 96 фоиз сув эса, шўр сувлардир. Дунё океанининг ўртача шўрлиги 35 фоизни ташкил этади. Яъни, бу бир литр сувда 35 грамм туз мавжуд деганидир.

Чучук сувларга асосан, барча дарёлар, булоқлар ҳамда артезиан қудуқларидан чиқадиган сувлар киради. Уларнинг таркибида ҳам кам миқдорда туз мавжуд, яъни 1 литр сувда 1-2 грамм туз бўлади.

— Домла, шу ўринда дунё сув заҳирасининг асосий қисмини ташкил этувчи океанлар ва денгизлар хусусида қисқача тўхталсак-да, кейин асосий мавзумиз — чучук сув муаммосига ўтсак. Зеро, бу ҳам газетхонларимизнинг бир қисмини ташкил этувчи география муаллимларини қизиқтириши, табиий. Океанлардаги ҳаёт ва бу уммонларнинг инсоният учун аҳамиятли жиҳатлари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Айтиш мумкинки, океанлардаги ҳаёт қуруқликдаги ҳаётдан ҳеч ам қолишмайди. Уммонлардаги мавжуд ўсимликлар тури ва ҳайвонот олами қуруқликдагидан кўп. Ҳаёт ҳам анча мураккаб. Чунки ҳайвонлар, баъзи тирик организмлар сув юзасидан 11 километр чуқурликкача мослашиб ҳаёт кечиради.

Океанлар юзаси ҳеч вақт тинч турмайди. Тўлқинлар гоҳ қирғоққа урилиб, гоҳ орқага қайтиб, қирғоқ саёзлигини ювиб туради. Океанларда бир нечта ўнлаб дарёлардан ҳам катта бўлган илиқ ва совуқ оқимлар мавжуд. Масалан, Атлантика океанидаги Гольфстрим илиқ оқими соатига 10 км. тезликда оқади. Сув оқимининг кенглиги 70-120 км.гача, чуқурлиги 700 метргача боради. Бу оқим Африкадан бошланиб, то Европанинг шимолигача боради. Шимолий муз океанидан эса

жанубга қараб Лабрадор совуқ оқими оқади. Бу совуқ оқим билан бирга катта-катта муз парчалари, ҳатто узунлиги 5-6 километргача бўлган, сув тагига 20-30 метр ботиб оқувчи жуда хавфли муз тоғлари ҳам сузиб келади. Бундай муз тоғлар кемалар қатновига жиддий хавф туғдиради. Ўз даврининг энг мустаҳкам кемаси ҳисобланган, таги икки қаватдан иборат бўлган, бағрида 2 мингга яқин йўловчиларни жойлаган машҳур "Титаник" ҳам худди шундай улкан айсбергларга урилиб ҳалокатга учраган эди. Бундай оқимлар бошқа окенларда ҳам мавжуд.

Океанларда ҳам қуруқликдаги каби кучли зилзилалар бўлиб туради. Вулқонлар отилади. Буларнинг натижасида жуда катта кучга эга бўлган тўлқинлар пайдо бўлади. Бундай тўлқинлар "Цунами" деб аталади. Цунами жуда катта вайронгарчилик кучига эга. Бу ҳодиса юз берганида тезлиги жуда катта бўлган тўлқинлар пайдо бўлиб куч билан қирғоққа урилади. Бундай пайтда қирғоқда жойлашган жуда кўплаб аҳоли манзилгоҳлари вайронага айланади. Таъкидлаш жоизки, бундай тўлқинлар тезлиги ҳозирги йўловчи ташувчи реактив самолётлар тезлиги билан баробар, яъни соатига 800-1000 км. бўлган тезликка эга бўлади.

Океанда бундан ташқари, яна ўзида катта кучни мужассамлаштирган довуллар ҳам бўлиб туради. Бундай табиий офатлардан айниқса, Япония, Филиппин, АҚШ ва бошқа кўпгина Тинч океани қирғоғида жойлашган давлатлар аҳолиси талофат кўриб келишмоқда. Бундан бирмунча муддат аввал Америкада худди шундай табиий офат кузатилди.

Океанлар бир-биридан табиий бўғозлар билан ажралиб туради. Ҳар бир океандаги сув режими, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ўзига хос, бир-бирига ўхшамайди. Фақат XIX аср боши ва XX асрда океанларни бир-бири билан сунъий каналлар билан бирлаштирила бошланди. Бундай каналлар халқаро статусга эга бўлган каналлар ҳисобланади. Жаҳоннинг энг йирик канали Мисрдаги Сувайш номли каналдир. У Атлантикани Ҳинд океани билан боғлайди ва йўлни 9 минг км.га қисқартиради. Узунлиги 193 км., эни 190-365 м, чуқурлиги 20 м. Йиллик юк ҳажми 260 млн тонна. Бир кунда 50 та кема, йилига эса 18 мингта турли ҳажмдаги кема ўтади.

Атлантикани Тинч океан билан боғловчи Панама канали эса йўлни 14 минг км.га қисқартиради, узунлиги 82 км, кенглиги 150 метр, чуқурлиги 13-26 метргача. Йилига 14 минг кема ўтади.

Киль канали эса Болтиқ денгизидан Шимолий денгизга борадиган йўлни 685 км.га қисқартиради.

Энди бевосита океанлар ҳажмига тўхталадиган бўлсак, майдонининг катталиги жиҳатидан Тинч океани биринчи ўринда туради. Унинг майдони 166 млн.кв.км.дан ошиқроқ бўлиб, кўриниб турганидек, бу рақам Ер шаридаги барча қуруқлик майдонидан ҳам каттадир. Шунингдек, Атлантика океани 106 млн.км²., Ҳинд океани 72,5 млн.км²дан ошиқ майдонга эга. Ҳозирги кунда дунё океанининг бир қисми сифатида халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида тан олинган Жанубий океан сатҳи 86 млн.км². Ушбу океанда Атлантика, Тинч, Ҳинд океанларини каби ўзига хос бўлган табиий хусусиятлар мавжуд. Шунинг учун ушбу океан ҳам, мактаб географиясида алоҳида мавзу сифатида ўқитилиши лозим.

Саволингизнинг бир қисми — океанларнинг инсоният учун аҳамияти жиҳатлари ҳақида айтиш мумкинки, бу бениҳоя аҳамиятлидир. Бу хусусда сўз кетар экан, энг аввало сув транспорти хаёлга келади. Азалдан океан ва денгизлар энг қулай юк ва йўловчи ташиш омили бўлиб келган. Айни пайтда Атлантика океани кемалар қатновининг кўплиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. Атлантика соҳиллари аҳолиси бугунги кунда қарийб 2 миллиардга яқинлашиб қолган бўлиб, бу худудларда 70 та давлат жойлашган. Сувда ташиладиган юкларнинг тенг ярми мана шу уммон чекига тўғри келади. Жаҳондаги мавжуд портларнинг учдан икки қисми, жумладан дунёдаги энг катта порт — Роттердам ҳам Атлантика қирғоғида жойлашган. Ушбу портнинг бир йиллик юк ташиш ҳажми 300-350 миллион тоннани ташкил этади.

Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, транспортнинг бошқа турларига қараганда денгиз транспорти энг арзон бўлиб, у давлатлар ўртасидаги юк ташиш ҳажмининг учдан беш қисмини ташкил қилиб, халқаро меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашувида ҳамда жаҳон иқтисодиётининг байналмилаллашувида муҳим рол ўйнамоқда. Айрим давлатларда асосий транспорт воситаси денгиз транспорти ҳисобланади. Масалан, Австралия 97%, Япония 90%, Болгария 85,0 %, Буюк Британия 80 %, Италия 71%, Франция 61 % юкларини денгиз орқали ташийдилар.

Бундан ташқари, бу улкан сув ҳавзалари инсон учун озиқ-овқат манбаи ҳамдир. Турли хил денгиз ва океан ҳайвонлари овланади ва сунъий равишда денгиз ўтлари ва ҳайвонлар кўпайтирилади. Шунингдек, денгиз ва океанлар кўплаб фойдали қазилмалар манбаи ҳамдир. Жаҳонда нефть ва газнинг учдан бир қисми денгизлардан олинади. Дунё океанлари темир, олтин, платина ва бошқа кўплаб қазилмаларга ҳам бойдир.

Сув соҳиллари дам олиб ҳордиқ чиқаришда ҳам инсонлар учун ажойиб маскандир. Ўрта Ер денгизи бўйлаб саёҳат, Дунё океани бўйлаб саёҳат, Гавай ороллари бўйлаб саёҳат, Қора денгиз бўйлаб саёҳат... Эҳ-ҳе, булар дунё саёҳатчилари севган йўналишлар ҳисобланади.

— Эртакларимизда ўликка жон бағишловчи "оби ҳаёт" ҳақида ривоят қилинади. Аслида, олдимизда оқиб ётган ҳар бир томчи сув ҳам тириклигимиз боиси, деб ўйлайман. Мутахассисларнинг таъкидлашича, одам танасининг ҳам асосий қисмини сув ташкил этади. Инсон балки озиқсиз узоқроқ яшар, лекин аввало, ҳаво, сўнгра сувсизликка бечидамдир. Шу боис, илк ибтидо даврларидан бошлаб кишилар одатда сув бўйларини қароргоҳ танлашган. Демак, ичимлик суви инсон ҳаёти бардавомлиги ва фаровонлигини таъминловчи бирламчи унсурлардан биридир.

— Тўғри таъкидлаганингиздек, кадимдан инсоният асосан сувли манзилларда, булоқлар пойида, дарёлар ёқаларида истиқомат учун ўрнашган. Жаҳондаги илк тараққиёт нишоналари ҳам дарёлар водийларидан ва бўйларидан бошланган.

Хўш, дарёларнинг ўзи қаердан бошланган? Дарё-булоқларнинг юзага келиш омиллари қаерда?

Маълумки, табиатда сув тўхтовсиз айланма ҳаракатда бўлади. Кузатган бўлсангиз, ҳатто қаҳратон совуқларда ҳам сув бўғланиб туради. Шундай қилиб, йилнинг ҳамма фаслларида океанлардан, денгизлардан, кўллардан, дарёлардан, умуман, барча сув манбаларидан буғ ҳосил бўлиб, кўз илғар-илғамас ҳолида осмонга кўтарилади. Осмонда буғ совийди ва булутлар ҳосил бўлади. Булутлардаги сув тўйингандан кейин ёққан қор ва ёмғирнинг бир қисми ерга сингади, бир қисми буғланади, бир қисми яна сув манбаларига қўшилади, яна буғланиш жараёни давом этади ва шу тариқа табиатда сув доимо тўхтовсиз айланиб юради.

Чучук сувларнинг асосий манбаи қор ва ёмғир сувларидир. Чунки ер ости сувлари ҳам, тоғдаги музликлар ҳам, қор ва ёмғир сувларидан пайдо бўлади. Лекин, қорнинг ёмғирга нисбатан ажралиб турадиган хусусиятлари ҳам бор. Масалан, ёмғир тезда ёғиб, тезда буғланади, бир қисми дарёларга оқиб тушади. Қор эса далаларда айниқса қиш ойларида узоқ сақланиб, далалардаги донли экинларни совуқ уришидан сақлайди. Кун исий бошлагач, секинасталик билан эриб тупроққа намни сингдириб боради, тоғ ён бағирларида, айниқса, унинг юқори қисмларида ёзнинг жазирама иссиғигача сақланиб, тоғда йиғилган музликлар билан бирга сув энг зарур бўлган жазирама кунларда дарёлар ва ер ости сувларини чучук сув билан таъминлайди. Шу боис, ота-боболаримиз тоққа қор кўп ёққан йиллари ризқ-рўз мўл бўлади, деб бежиз айтишмаган.

Шу ўринда қорнинг яна бир мўъжизасини айтиб ўтиш зарур. Баланд тоғларда ёғадиган қор билан, эрийдиган қор миқдори тенг бўлади. Тоғларнинг энг баланд қисмидаги қорлар ёзнинг энг иссиқ пайтида ҳам эримасдан келгуси йилга сақланиб қолади. Ўша маълум баландликдан пастда қорлар ёзи билан эриб, энг керакли пайтда одамларни чучук сув билан таъминлайди. Қор эриб бўлганда экинлар ҳам пишиб бўлган ва нисбатан сувга эҳтиёж камайган бўлади. Ўша, қор эришдан тўхтайдиган чегара "Қор чизиғи" деб аталади. Қор чизиғи тоғларнинг баландлигига, жойнинг географик кенглигига қараб турлича баландликдан ўтади. Масалан, у экватор яқинида 5000 м; шимолда Новая Земляда атиги 600-700 м; Ўзбекистон тоғларида эса 3300-4200 м баландликда ўтади. Демак, ўша баландликлардан пастда қорлар эрийди, юқорида эса у музликларга айланади.

Аслида баланд тоғлардаги музликлар ҳам қор чизиғидан юқоридаги ўнлаб, юзлаб йиллар тўпланган қорларнинг зичланишидан пайдо бўлади. Қор республикамизда ҳам дарёларнинг тўйиниш манбаи сифатида катта аҳамиятга эга. Масалан, Амударё, Зарафшон, Сўх каби дарёларнинг бош қисми қор чизиғидан баланддаги доимий музликлар ва қорлардан бошланади. Сирдарё, Норин, Қорадарё, Чирчиқ дарёлари нисбатан пастроқдаги қор ва муз сувларидан, Қашқадарё, Ғузор, Сангзор, Оҳангарон дарёлари эса, асосан қор ва ёмғир сувларидан тўйинади.

(Давоми бор)

Суҳбатдош:
Икром БЎРИБОЕВ

Suv — kelajak uchun

Мутахассисларнинг таъкидлашича, одам танасининг ҳам асосий қисмини сув ташкил этади. Инсон балки озиқсиз узоқроқ яшар, лекин аввало, ҳаво, сўнгра сувсизликка бечидамдир.

Қор республикамизда ҳам дарёларнинг тўйиниш манбаи сифатида катта аҳамиятга эга. Масалан, Амударё, Зарафшон, Сўх каби дарёларнинг бош қисми қор чизиғидан баланддаги доимий музликлар ва қорлардан бошланади.



Bilib qo'ygan yaxshi

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАТТАЛАРНИКИДАН КАМ ЭМАС

Декларация, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг бола ҳуқуқларига оид фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тартибга солинади.

Оила Кодексининг 11-бобида вояга етмаган болаларнинг шахсий ва номулкий ҳуқуқлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли ҳуқуқ меъёрларида белгилаб берилган. Хусусан, 65-моддага кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 24-моддасига кўра эса, ҳар бир бола туғилганидан сўнг зудлик билан давлат рўйхатидан ўтиши ва исмга эга бўлиши, фуқароликни олиш ҳуқуқига эгадир. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 10-моддасига асосан вояга етмаганлар ва барча болалар алоҳида ҳимоя ва ёрдам билан таъминланишлари лозим. Болалар ва вояга етмаганлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациялардан ҳимояланишлари шарт. Уларни соғликларига ёмон таъсир этувчи, бир умрга мажруҳ қилиб қўювчи ва ривожланиши, ўсишига ёмон таъсир қилувчи ишларга жалб қилганлар қонун олдида жазоланишлари керак.

Биламизки, болалар, қариялар, аёллар ва ногиронлар ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. Тарихга назар ташласак ҳам, ана шу шахсларга бўлган эътибор ҳамиша кучли бўлган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда ҳам, "бола, унинг жисмоний ва ақлий тўла шаклланмаганлиги боис, туғилгунча ва туғилгандан сўнг ҳам махсус ҳуқуқий ҳимояга ва муҳофазага муҳтождир" дея таъкидланган.

Умуман олганда, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, вояга етмаган боланинг қуйидаги ҳуқуқларини санаб ўтамиз: эркин яшаш ва тарбияланиш, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши, номга бўлган ҳуқуқ, шахсий дахлсизлик, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши, қариндош-уруғлари билан кўришиш, судга мурожаат қилиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги, ижод эркинлиги, мулкдорлик, банкка омонат қўйиш, мерос, меҳнат қилиш, дам олиш, таъминот олиш, соғлиқни сақлаш, билим олиш ва маданий ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва албатта, ахлоқ, турмуш, халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар.

Фикримча, барча мактабларда, болалар боғчаларида, маҳаллаларда, лицей-коллежларда болаларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини махсус курслар орқали, турли қизиқарли методика-усуллардан фойдаланган ҳолда ўргатиб бориш лозимдир. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, вақти-вақти билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, ушбу масалалар билан шуғулланувчи ташкилот ва органлар билан болалар ўртасида суҳбат, дебат ва тренинглларнинг ўтказилиши, болалар ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини тўла англаб етишларига ижобий таъсир ўтказади.

Зеро, ҳар қандай жамиятнинг келажаги, ўша жамият ёшларининг соғлом дунёқараши, ҳуқуқ ва бурчларини қай даражада билиши ва амалга оширилишига боғлиқдир.

Башорат ЗАРИПОВА,
ТДЮИ талабаси

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ИНСОН

Дарё жилғалардан юзага келади. Жилға бора-бора катталаша бошлайди ва у кенгайгани сари вазифаси ҳам ортади. Бўй чўзаётган ниҳоллар ундан баҳра ола бошлайди.

Инсон умри ҳам шундай. Унинг болалигидаги "тезроқ катта бўлсайдим" деган эзгу тилак у мактабга бора бошлагач, янада катталашади. Орзулари ойдинлаша боради. Зиёлилар оиласида улғайган Адҳам Маматқулов ҳам 1951 йилда мактаб остонасига илк бор қадам қўйган кезларда ана шундай ўй-хаёллар оғушида эди. Мактабни "аъло" баҳолар билан тугатгач, орзулари уни ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетига етаклади.

Талабанинг вазифаси нима? У олий таълим даргоҳида умумий ўрта таълим жараёнида олган билимини кучайтиради, яъни "жилға ариқ бўла боради". Талабалик даврида мақсадлари улканлаша бошлаган А.Маматқуловни домлаларининг сабоқлари сеҳрларди, гўё. Шу боис у университетни тамомлагандан кейин ҳам шу даргоҳда қолиб, меҳнат қилишни ният қилди. Аспирантурани битиргач эса, энди талабалар унинг дарсларини кутадиган бўлди. Чунки иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги қандай бўлиши, у нималарга асосланишини А.Маматқулов талабаларга қизиқарли тарзда тушунтириб берарди. Талабаларга маъруза ўқигани сайин ўзининг ҳам бу мавзуга қизиқиши ортиб боргани кейинчалик айнан шу мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлашига сабаб бўлди.

Физика-математика фанлари номзоди А.Маматқулов айни пайтда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабаларга математик моделлаштириш фанидан сабоқ бериб келаркан, у бир нарсадан мамнун: бугунгача у кўплаб "жилғалар"нинг анҳор бўлишига кўмак берган. У туфайли анҳор бўлганлардан қанчаданқанча ниҳоллар баҳра олаяпти.

Ш.НИШОНОВ

Nima bo'lganda ham birinchi davra o'yinlaridan so'ng "Xitoy devori" ko'rinib qolganga o'xshadi, har holda.

Bu dasturlarda o'quvchilar dunyodagi barcha davlatlarning madhiyalarini tinglashi, hayvonot olami va tabiati bilan tanishib chiqishi mumkin.

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ЗАРАРМИ?

Испания давлатининг Валядолид шаҳридаги "Гарсия Кинтана" коллежи ўқувчиларидан 5 нафари рак касаллигига дучор бўлиб қолишди. Мутахассисларнинг айтишича, бунга ён-атрофдаги 30 дан ортиқ уяли телефон антеналари сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари ён-атрофдаги хонадонларда яшовчи аҳоли ичида ҳам рак касаллиги билан оғриганлар сони ортиб кетмоқда. Уяли алоқа компаниялари вакилларининг айтишича, антеналар коллеж биносидан анча узоқда ва ҳамма қабул қилинган стандартларга жавоб беради. Шунга қарамай, Валядолид шаҳри суди антеналарни узоқлаштириш ҳақида ҳукм чиқарди. Эндиликда мактаблар, коллежлар, болалар боғчаси ва шифохоналар ён-атрофида уяли алоқа антеналари максимал узоқликда бўлиши шарт. Бу муаммо Испания жамоатчилигини анчадан буён ташвишлантирмоқда, аммо техниканинг ривожланишини тўхтатиб бўлмайди. Уяли алоқасиз эса, испанияликлар ўз ҳаётларини тасаввур ҳам қилишолмайди, деб хабар беради "Evronews" интернет сайтлари.



ТУРКИЯДА АВТОҲАЛОКАТ

9 ноябрдан 10 ноябрга ўтар кечаси Туркияда автоҳалокат содир бўлди. Анқара шаҳридан бирмунча узоқликда бўлган автомагистралда автобус оғир юк машинасига урилиб кетган. Тўқнашув натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмган. Оғир юк машинасининг ҳайдовчиси ва ёнидаги йўловчи тирик қолган, аммо жуда оғир аҳволда шифохонага олиб кетилган. Бу ҳақда "CNN" ахборот агентлиги хабар берди.

БАҒДОДДА ЯНА ПОРТЛАШЛАР СОДИР БЎЛДИ

Ироқнинг пойтахти Бағдодда яна бир неча портлашлар содир этилди. Жумладан, Бағдоднинг марказий кўчаларидан бирида 10 ноябрь эрталабки соат 5 ларда кучли портлашлар юз берди. Бундан бир неча кун аввал эса АҚШ коалицион кучларининг вертолёти уриб туширилган. Ўша куннинг ўзида номаълум тарафдан отилган ракета пойтахт аэропортига келиб тушган. Шундан кейин АҚШ ҳукумати Ироқдаги зобитлар сонини кўпайтириш устида бош қотирмоқда, дея хабар тарқатди "Evronews" ахборот агентлиги.

АҚШДА ҚОТИЛ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

АҚШ полицияси томонидан қамоққа олинган 54 ёшли Гари Риджуэй 5 фарзанднинг отаси. Суд жараёнида Гари Риджуэй 48 аёлни ўлдирганини бўйнига олди. Кўплаб йиллар мобайнида қотил ёш аёллар ва қизларнинг ишончини қозонган, сўнгра эса уларнинг ҳаётига зомин бўлган. Полиция томонидан узоқ йиллар қидирувда бўлган ушбу шахс ўлим жазоси берилмаслиги эвазига таслим бўлди. Узоқ вақт давом этган суд жараёнида барча қилмишлари исботланди. Бу АҚШ тарихида энг даҳшатли жиноятлар мажмуаси, дея тан олинди, деб хабар беради "BBC" интернет сайтлари.

ЮКОСНИНГ СОБИҚ РАҲБАРИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИДА ҚАТНАШМОҚЧИ

Бир қанча вақт олдин Россия прокуратураси томонидан қамоққа олинган тадбиркор Михаил Ходорковский келаси йил бўлиб ўтадиган Россия президенти сайловларига ўз номзодини қўймоқчи. Россия қонунларига кўра, суд томонидан ҳукм чиқарилмаган шахс жиноятчи деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолат эса собиқ ЮКОС раҳбарининг сайловларда қатнашиш имконини беради. Бу ҳақда Ходорковскийнинг ён-атрофдагилари хабар беришган.

Ҳозирча Михаил Ходорковский ҳамма қўйилган айбларни рад этмоқда. Ушбу шахснинг адвокатлари эса яқин кунларда ўз мижозини товон пули эвазига қамоқдан озод қилишга ҳаракат қилишмоқда.

Социологик тадқиқотларга қараганда, Россиянинг энг бой одамларидан бири Михаил Ходорковскийнинг обрўси кундан-кунга ошиб кетяпти. Баъзи бир сиёсатчиларнинг айтишича, у қанча узоқ вақт қамоқда сақланса, шунча кўп сайловда овоз олишга эришади, деб хабар беради "BBC" интернет сайтлари.

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

Саудия Арабистонининг Эр-Риёд шаҳрида террорчилик хуружи содир этилди. Аҳоли яшайдиган хонадонлар мажмуаси портлатилган. Натижада 17 киши дунёдан кўз юмган ва 122 киши ҳар хил даражадаги тан жароҳатлари олишган. Саудия Арабистонининг ички ишлар вазирлиги террорчилик хуружида "Ал-Қоида" гуруҳининг қўли борлигини таъкидламоқда. Портлашдан бир неча кун аввал эса "Ал-Қоида" гуруҳининг бир неча аъзоси қамоққа олинган эди.

Ҳозирда воқеа жойида "тез ёрдам" машиналари ишламоқда. Қутқарувчиларнинг гапига қараганда, ҳалок бўлганлар ичида ёш болалар ҳам бор, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги.

Интернет хабарлари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси шу институт профессори Нурилла Аҳмедовга рафиқаси **Тиллахон АҲМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси институт проректори **Рўзмон КЕЛДИЁРОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

РТМ жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси РТМ фахрийлар кенгаши раиси Эркин Умаржоновга акаси **Турғун УМАРЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Hamkorlik

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИДА ИНТЕРНЕТ



Ўзбекистон мактабларининг замонавий компьютер ускуналари ва унинг қўшимча жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Америка Қўшма Штатлари Давлат Департаментининг ЮСАИД, ЕСА ва АЙРЕКС каби йирик ташкилотлари Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда катта амалий лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2003 йил бошида икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган давлатлараро музокаралар натижасида АҚШ Тараққиёт Агентлиги (USAID), Давлат Департаментининг Маданий ва ўқув дастурлари бўлими (ECA)ва Халқаро илмий тадқиқотлар ва Олимларни алмашиш кенгаши(IREX) ва Ўзбекистон Республика Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар лойиҳаси эълон қилинган эди. Танлов асосида ўтказилган ушбу лойиҳанинг ярим финалида қатнашиш учун Ўзбекистондаги 500дан ортиқ мактаб, гимназия ва лицейлар танлаб олинган эди. Ушбу мактаблар лойиҳада кўрсатилган барча талабларни бажаришда фаол қатнашдилар ва лойиҳа талабларига асосан мактаб ва гимназияларда ўқув фанларини ўқитишда компьютер техникасидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилди. Нуфузли ташкилот USAID томонидан молиялаштирилган, IREX ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги амалга ошираётган Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар лойиҳасининг биринчи босқичи шу йилнинг август ойи охирида якунланди. Республикамиздаги 102 та мактаб мазкур лойиҳанинг ғолиблари деб топилдилар ҳамда уларнинг барчасига замонавий компьютерлар топширилди. USAID, IREX ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигидаги лойиҳанинг юксак мукофотлари бўлган замонавий компьютерларни қўлга киритган мактаблар орасида Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги 11, Марғилон шаҳридаги 9, Қувасой шаҳридаги 2, Водил қишлоғидаги 20, Фарғона шаҳридаги 2, 3, 6, 9, 21-мактаблари ва "Парвоз" гимназиясида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Шу кунларда ушбу лойиҳанинг Ўзбекистон мактаблари учун Интернет деб аталган 2-босқичи давом этмоқда. Тошлоқ туманидаги 11-мактаб жамоаси вилоятдаги 70дан ортиқ мактаблар қатори лойиҳанинг 2-босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, ярим финал ғолиби бўлди. Фарғона шаҳридаги IATP ва IREX Марказида 21-23 октябрь кунлари ярим финал ғолиблари бўлган вилоятдаги 14 та мактаб учун семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Семинар машғулотларини олиб борган "Ўзбекистон мактаблари учун Интернет» лойиҳасининг Фарғона вилояти бўйича махсус тренери М.Акопжонов ғолиб мактаб жамоаларига лойиҳа директори жаноби Ари Катц юборган табрик мактубларини тарқатди ва уларни кутаётган якуний совринлар ҳақида гапириб, финал ғолиблари 6 та замонавий компьютерлар, принтер ва фотоаппарат ҳамда сканерлар билан тақдирланиши ва албатта Интернет тармоғига уланиши мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Тумандаги 11- мактаб жамоаси шу кунларда мазкур лойиҳада қатнашиш билан бирга АҚШнинг Вашингтон шаҳрида иш олиб бораётган Давлат Департаментининг IEARN-Халқаро билимларни тарғиб қилиш Маркази билан ҳам ҳамкорлик қилиб, IEARN лойиҳаларида фаол қатнашиб, америкалик мактаб ўқувчилари билан дўстлик алоқаларини ўрнатиб, уни мустаҳкамлаб келмоқдалар. Ушбу лойиҳа бўйича USAID ва ECA раҳбарлиги остида ҳамда IREX билан Халқ таълими вазирлигининг бевосита иштирокида мактабларга тақдим этилган ва этилаётган компьютер техникаси ва Интернет тармоғи - ривожлантириш учун олға қадам ташлаб, Ўзбекистон халқига АҚШ давлатининг туҳфаси бўлди. Бу билимга чанқоқ ўқувчиларимиз учун катта имкониятлар асоси бўлмоқда.

— Биз лойиҳа қатнашчилари ушбу лойиҳани маблағ билан таъминлаган USAID , ECA ва уни бевосита амалга ошираётган IREX ва Халқ таълими вазирлигининг барча ходимларига ва лойиҳа директори жаноби Ари Катцга бу эзгу ишни амалга ошираётганларига катта раҳмат айтамиз, — дейди биз билан суҳбатда 11-умумий таълим мактаби чет тили ўқитувчиси IEARN иштирокчиси Рустам Бадалов. Бугун мактабда ўқувчиларга билим беришнинг янги-янги услублари ва ишланмалари таълим-тарбия ишларига татбиқ этилмоқда. Дарсларни олиб боришда кўргазмали қуроллардан кенг равишда фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Шу сабабли ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштиришлари анча юқори даражага кўтарилган. Мактабда сидқидилдан меҳнат қилаётган кекса ва тажрибали педагоглардан У.Эминов, Ю.Мирзакаримов, Р.Каримова, Э.Шокиров, Н.Узоқова, Ю.Каримов, А.Раҳмонов, Н.Хошимова, М.Абдуллаева, Х.Муҳаммаджонова, М.Холиқова кабилар ўз дарсларини олиб боришда ўқув қуролларининг энг замонавий турларидан бўлган компьютерлардан фойдаланиб, катта ютуқларга эришмоқдалар. Дарслар учун компьютерларни созлаб, машғулотларга тайёр қилиб беришда мактаб компьютер марказининг волонтер-администратори Ж.Бадалов ва чет тили устози Р.Бадаловлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунинг учун йилнинг августоийида мактаб АҚШ давлати Департаментининг ЮСАИД, АЙРЕКС ташкилотлари ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар лойиҳасининг ғолиби бўлиб, 10 дона замонавий компьютер ускуналари билан тақдирланган эди. Ана шу компьютерлар асосида ташкил қилинган мактаб компьютер маркази ҳозирги кунда дарсларни олиб боришда педагогик жамоага кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Бу марказдаги компьютерларга тарих дарсларида фойдаланиш учун Ўзбекистон-2000, Ўзбекистон Конституцияси, Амир Темур жаҳон тарихида, Амир Темур давлати, Инглиз тилини ўрганувчилар учун бошланғич дастур, география, физика, кимё, математика, информатика фанлари учун махсус дастурлар ва бошланғич синф ўқувчилари учун Алифбо сабоқлари каби мультимедиа дастурлари киритилган. Бу дастурларда ўқувчилар дунёдаги барча давлатларнинг мадҳияларини тинглаши, ҳайвонот олами ва табиати билан танишиб чиқиши, ўша мамлакатларда яшаб, ижод қилган олимлар, санъат арбоблари ва бошқа машҳур тарихий шахсларнинг овозли видеолавҳалари билан танишиб, кўпгина давлатларнинг пойтахт шаҳарларига виртуал саёҳатлар уюштириши мумкин. Бундан ташқари ушбу марказда ташкил қилинган тўгаракларда ўқувчиларга компьютер сабоқлари ва инглиз тилидан қўшимча дарслар бериб борилмоқда. Мактабдаги компьютер марказининг имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Марказ ходимлари АҚШ давлати департаментининг ECA, IREX ташкилотлари ва Халқ таълими вазирлиги биргаликда эълон қилган "Ўзбек мактаблари учун Интернет" янги лойиҳасида ҳам иштирок этмоқдалар. Бу лойиҳанинг ярим финалидан муваффақият билан ўтган мактаб вакиллари, 15 ноябрда якунланадиган лойиҳанинг финал қисмида фаол қатнашиб, яна 6та компьютер ва рақамли фотокамера билан проекторни қўлга киритиш ва мактаб компьютер марказини Интернет тармоғига улаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.



Шерзод АҲМАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири

«ПАХТАКОР» – ЭНГ КУЧЛИ КЛУБЛАРДАН

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси жаҳоннинг энг кучли футбол клублари рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Италиянинг «Милан» жамоаси энг кучли клуб сифатида рўйхатнинг биринчи қаторидан жой олган. Жаҳон футболи юлдузларини жамлаган «Реал» (Мадрид) Шотландиянинг «Селтик» клубини учинчи ўринга тушириб қўйди.

Кетма-кет икки марта мамлакат чемпионлиги ва кубогини қўлга киритган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари футбол клублари ўртасида биринчи ўринда қайд этилган. Кейинги йилларда ишончли тўп сураётган пахтакорчилар 63-ўриндан 48-поғонага кўтарилиб олди.

Айтиш жоиз, «Пахтакор» жамоаси ўтган йили ҳам Осиё футбол федерацияси (ОФФ) томонидан Осиёнинг энг кучли жамоаси, деб эълон қилинган. Ўшанда жамоанинг Осиё чемпионатининг финал босқичигача етиб бориши, чиройли ўйинлари, жамоавий муҳит шакллангани, таркибда ёш, иқтидорли ва энг асосийси тартиб-интизомли ўйинчилар ҳаракати муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Мана орадан бир йил ўтиб ушбу жамоа ҳар томонлама янада ривожланди. Ушбу анъана яна сақлаб қолинди. Ички миллий биринчиликда муддатидан олдин олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, терма жамоанинг асосий ўйинчилари ҳам айнан «Пахтакор» жамоасининг ўйинчилари ҳисобланади.

«Пахтакор» Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси М.Шацких ўйнаётган Киевнинг «Динамо»си (50-ўрин), Россиянинг «Спартак» (82-ўрин), В.Маминов ва О.Пашинин тўп сураётган «Локомотив» (84-ўрин), А.Гейнрихни сотиб олган «ЦСКА» (85-ўрин) каби кучли жамоаларни ортда қолдирди.

Юртимизда бугунги кунда тоза ичимлик суви танқислигининг олдини олиш, уни келажак авлодларга табиий мерос қилиб етказиб бериш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Ёшлар ўртасида сувнинг қанчалик бебаҳо неъмат эканлигини тушунтириш борасида "Биоэкосан" Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси "Болалар ва сув" мавзусидаги республика мактаб ўқувчиларининг экофестивалини ўтказди. Фестивал "Бунёдкор" ёшлар телеклубида бўлиб

ЭКОФЕСТИВАЛ ЎТКАЗИЛДИ

ўтди. Уч кун давом этган мазкур тадбирда "Сув—бизнинг фаолиятимизда" экологик фото кўргазмаси, плакатлар кўргазмаси, экологик театр, экожурналистика, экологик тафаккур каби бешта йўналиш бўйича танлов ўтказилди. Сувнинг аҳамияти, қиммати—барчаси болаларга ўзларининг тилида, ўйинлар, ривоятлар орқали сингдирилди. Тадбирнинг иккинчи куни Чирчиқ шаҳридаги сув таъминот комплексига саёҳат уюштирилди. "Сезам" болалар эстрада гуруҳи чиройли чиқишлари билан танлов иштирокчиларини хушнуд қилишди.

МУХБИРИМИЗ

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» – ДАСТЛАБКИ БЎҒИН

Мамлакатимизда ёш авлодни камол топтиришга хизмат қиладиган самарали жисмоний тарбия ва спорт тизими яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига ҳамоҳанг бўлган ушбу тизим бир неча бўғиндан иборат. Унинг илк бўғини умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасидир. Эътиборли жиҳати — мазкур мусобақа барча мактаб ўқувчиларини қамраб олади ва спорт уларнинг кундалик эҳтиёжига айланишига ва шу орқали миллат генофондининг саломатлигига хизмат қилади.

Ёшлар ўз интилишлари самарасини мусобақанинг ҳар бир босқичида ҳис этади. Бу эса улардаги ғурур ва аниқ мақсад сари интилиш туйғуларини кучайтиради. Айни вақтда мазкур тизим халқаро олимпия ҳаракатида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган Ватанимиз учун спортчилар заҳирасини яратишнинг ўзига хос мактаби ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасига янада кўпроқ ёшларни жалб этиш, турнир иштирокчиларининг маҳоратини юксалтиришга оид масалалар атрофлича муҳокама этилди.

ХИТОЙ ДЕВОРИДАН ЎТА ОЛАМИЗМИ?

Тошкент беш кун футбол ҳавоси билан нафас олди. Олтинчи, саккизинчи ва ўнинчи ноябрь кунлари "Пахтакор" Марказий стадионида келгуси йилнинг ёзида Хитойда бўлиб ўтадиган XIII Осиё Кубоги баҳслари саралаш ўйинларининг биринчи давра учрашувлари бўлиб ўтди.

Демак, дастлабки кун Таиланд ва Тожикистон терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган баҳс қўшниларимизнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугаган бўлса, ўша кунги яна бир ўйинда юртдошларимиз гонконглик футболчиларни тор-мор келтиришди: 4-1.

2-тур. Тожикистон-Гонконг 0-0. Ўзбекистон-Таиланд 3-0. Ўзбекистон терма жамоасининг кўрсатган ўйини кўпчилик мухлисларни хурсанд қилди. Ҳужумчи В.Шишелов иккинчи ўйинда ўзининг иккинчи дублига эришди.

Биринчи давранинг сўнгги туридаги иккала учрашув ҳам кутилмаган натижа билан якунланди. Гонконгликлар таиландликлардан устунроқ эканликларини исботладилар. 2-1 — уларни қониқтирган натижа. Шундан сўнг майдонда Ўзбекистон ва Тожикистон терма жамоалари баҳс юритишди. Афсуски, бу ўйин юртдошларимиз учун омадли бўлмади. 0-0 ҳисоби билан якун топган ушбу учрашувдан тожикистонлик ўйинчилар хурсанд бўлган бўлсалар, ажаб эмас.

Таиландда бўлиб ўтадиган иккинчи давра ўйинларида Европа чемпионлар лигасида иштирок этаётган легионерларимиз ўйнамаслигини ҳисобга олсак, ҳамюртларимиз зиммасидаги масъулият янада ортганини кўрамиз. Нима бўлганда ҳам биринчи давра ўйинларидан сўнг "Хитой девори" кўриниб қолганга ўхшади, ҳар ҳолда.

Биринчи давра якуни бўйича:

Ўзбекистон	3	2	1	0	7-1	7
Тожикистон	3	1	2	0	1-0	5
Гонконг	3	1	1	1	3-5	4
Таиланд	3	0	0	3	1-6	0

Элмурод НИШОНОВ

QUTLOV!

Ҳурматли Розахон опа ЮНУСАЛИЕВА!

Қирчиллама 40 ёшга қадамингиз қутлуғ бўлсин!

Таваллуд кунингизда Сизга — Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 20-мактаб раҳбарига, бахтиёр хонадон бекасига, дилкаш дўст ва дилбар аёлга Яратгандан барча яхшиликларни тилаймиз. Умрингиз узоқ, тани-жонингиз соғ бўлсин. Фарзандларингиз камолини, дўст-ёрлар жамолини кўриб, қувониб юринг.

Мактаб жамоаси ва Тошкентдаги қадрдонларингиз

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Аввал хабар қилганимиздек, Жиззах шаҳрида футбол мактаб-интернатлари ўртасида VII республика биринчилиги муросасиз курашлар остида ўтди.

Финал мусобақасининг дастлабки беллашувлариданоқ ҳар икки ёш тоифасида ғолиблик учун даъвогар жамоалар йирик ҳисобда ғалаба қозонишгани ўйин жадвалида яққол акс этганини кўриш мумкин. Бинобарин, 1987-88 йилларда туғилганлар баҳсининг биринчи учрашувида жиззахликлар Ғузор жамоаси дарвозасига жавобсиз 7 та тўп киритдилар. Кичик ёшдагилар (1989-90 йилда туғилганлар) гуруҳида Фарғона-Қарши жамоаларининг илк учрашувида 3:1 ҳисоби қайд этилди.

Республика биринчилиги натижаларига кўра кичик ёш гуруҳида Фарғона мактаб-интернати мусобақа ғолиби бўлди. Ромитан ва Жиззах жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни ишғол этишди.

Катта ёшдагилар гуруҳида Жиззах мактаб-интернати чемпион бўлди. Янгиер ва Самарқанд мактаб-интернатлари мусобақа жадвалининг иккинчи ва учинчи қаторидан жой олишди.

Республика биринчилиги ғолиб ва совриндорлари тегишли диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Шунингдек, энг яхши ўйинчиларга ажратилган совғалар топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

Ko'nglimning suratin yaproqqa chizdim
Va hayot rangi-la bo'yadim asta.

Eh-he-e, bir kunda yuzlab, ehtimol bundan ham ko'p odam yuzma-yuz yoki telefonda «Assalomu alaykum hurmatli Omonjon aka!» deb so'ray bersa, hammasiga «Vaalaykumu assalom!» deyishga vaqt qani? Oshib-toshib yotgan ishlarni kim bajartiradi?

КУНҒИРОК ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

Talabalar daftaridan

* * *

Эй дилимнинг армонлари,
Жамолингиз кўргим келур.
Карвонимнинг сарбонлари,
Ҳаққа қараб юргим келур.

Елкамдаги гуноҳ—осмон,
Гуноҳимдан огоҳ осмон,
Қаро тунга гувоҳ осмон,
Шарққа қараб юргим келур.

Боболарнинг ётар боғи,
Кўкда чақнайди фироғи,
Нетай офтоб ботар чоғи,
Ғарбга қараб юргим келур.

Соғинчларга бўлиб мағлуб,
Ватан, сенга этсам қуллуқ.
Тоғдай улуғ, дилдай қутлуғ,
Дардга қараб юргим келур.

Бажармай Ҳақнинг корини,
Тўколмам дилнинг зорини.
Соғинсам Машраб дорини,
Балхга қараб юргим келур.

Боқиб дил харобасига,
Замонлар аробасига,
Огоҳман муддаосидан,
Чархга қараб юргим келур.

Шодмонқул САЛОМОВ,
Олий адабиёт курси тингловчиси

КЎНГЛИМНИНГ СУРАТИ

Кўнглимнинг суратин япроққа чиздим
Ва ҳаёт рангила бўядим аста.
Бечора кўнглимни айбдор сездим,
Чунки япроқ сарғайиб қолди бир пасда.

Кўнглимнинг суратин олмага чиздим
Ва қалбим нури-ла бўядим аста.
Ҳайратлар ичида тентираб кездим,
Олмалар қизариб қолди бир пасда.

Кўнглимнинг суратин кўнгилга чиздим,
Ва ишқнинг ранги-ла бўядим аста.
Мен севдим, севилмай, ҳаётдан бездим,
Тўкилдим, букилдим, сўндим бир пасда.

Кўнглимнинг суратин тупроққа чиздим...

Шаҳноза ТАЙЛОҚОВА,
ЎзМУ журналистика факультети
1-курс талабаси

ШОДЛИК ВА ҒАМ

Донишмандга келиб, мискин бир одам,
Сўрар: — Нечун бирга шодлик ила ғам?
Доимо инсонга туну кун каби
Улар нечун, айтинг инсонга ҳамдам?

Донишманд ўйланиб, дебди у зотга:
— Эй бўтам, қулоқ сол, мангу нолонга.
Шодликни оллоҳим синамоқ учун,
Ғамни сабоқ учун берур инсонга.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
ЎзМУ талабаси

КЎНГЛИМНИНГ СУВРАТИН ТУПРОҚҚА ЧИЗДИМ

Матью АРНОЛЪДдан

Денгиз туни нақадар сокин,
Оқим ичра ой чирой сочар.
Соҳил узра милтиллаган нур,
Гўзалликка кўнглингни очар.

Инглиз диёрининг алп қоялари
Виқор-ла тик турар кўрсатиб савлат.
Магар кўрсанг улкан кўрфазни
Юрагинг шодликка тўлади албат.

Дераза ёнига кел, эй азизим,
О, тун ҳавоси нақадар майин!
Сув билан ой учрашган жойни
Кўргинг келар кўрганинг сайин.

Қулоқ сол сен денгизга бир дам,
Ажиб оҳангларга ошно бўласан.
Тўлқинни шимган тошлар сасидан
Энтикасан, ўйга толасан.

Қалбинг нурга тўлдириб шу он,
Ёдга тушар қувончли дамлар.
Бўй кўрсатиб қолар ногаҳон
Дилингда қотган абадий ғамлар.

Инглиз тилидан ЎзДЖТУ талабаси
Шаҳноз ИСМАТУЛЛАЕВА
таржимаси

КАПАЛАК

Безовта туйғунинг аччиқ хазони
Дилимни эздию чарчадим, толдим.
Зерикиш қалбимни забт этар они,
Шўхчан бир садони эшитиб қолдим.
Кел деди, ўйнайлик, чаманлар бунда,
Энг ширин ҳислар ҳам шу ерда тирик.
Куёш нур сочмоқда, ажойиб кунда
Мунис қувончимга бўла қол шерик.

Бирдан юрагимда шодлигим тошиб,
Ўйладим: чақирган қай малак экан?
Кўрдимки атиргул шохига қўниб,
Мени чорлаётган капалак экан.

Сўнг унга қўшилдим ўзни унутиб,
Энг хушбўй гулларнинг ҳидига тўйдик.
Ёлғиз яратганга шукрона айтиб,
Дунё ташвишларин ўйламай қўйдик.

Эс-ҳушдан айрилдим жўш урди юрак,
Тилда ҳамду сано, гуноҳлар ўлган.
Шу асно англадим ушбу капалак,
Аввалги умрида авлиё бўлган.

Аммо аста-секин ботаркан қуёш,
Қадрдон гулига қўндию беҳол,
Оху кўзларидан тўкмай сира ёш
Ўзини ажалга топширди алҳол.

Ажабо, капалак бокира жонзот,
Қайғу нималигин билмай ўлди у.
Ва ғўё бу билан мени этди мот,
Бир лаҳза яшолмай мендан кулди у.

Гарчанд кўп ачиндим, йиғладим дилдан,
Балки у дунёда бахт кўрар зора.
Лекин аминманки ўлими билан
Менга ниманидир этди ишора.

Мен унга чиндан ҳам айладим ҳавас,
Ташландиқ умримга бахш этди ғоя.
Қарға минг йил яшаб қувонч не билмас,
Капалакка эса бир кун кифоя.

Англадим дунёда шод яшаш керак,
Ҳеч қачон унутма шукронани ҳам.
Токи вужудингда тепмоқда юрак,
Токи барҳаётсан яшаб қол хуррам.

Иномжон АБДИЕВ,
ЎзМУ талабаси

ЁМҒИРЖОН

Бўлиб қолса имконим агар,
Йиғлар эдим қўшилиб сенга.
Кўз ёшларим бўларди дарё,
Муҳаббатнинг пок шарбатига.
Тўйинарди бу буюк дунё.
Ва ўртарди ўзгаларни ҳам.
Кўз ёшингни тортиб юзимга,
Йиғлай дедим бўлиб ошиғинг.
Эй ёмғиржон, сенинг қадрингга
Етармиди оғримаган дил.
Сени севиб, ардоқлайман мен
Бир умрга сақлаб қалбимда.

Гулнора МАЖИДОВА,
«Ўзбекистон овози» газетаси
қошидаги «Ёш қаламкашлар»
тўгараги аъзоси

ТЎРТЛИКЛАР

Тоғларга боқаман, тоғлардир дўстим!
Боғларга боқаман, боғлардир дўстим!
Қушларга боқаман, қушлардир дўстим!
Ҳаётга ким чорлар — шулардир дўстим!

***

Тоғлар тепасида бургут кўрмадим,
Қайдасиз, тоғларимнинг мағрур ўғлони?
Сиз билан бир нафас суҳбат қурмадим,
Қайдасиз, чўққиларнинг ғурур, имони?

Радха ХИДИРОВА,
Тошкент давлат санъат институти
талабаси

***

Онамнинг бармоғин излари бор нон,
Айт, қайлардан олдинг жаннат исини?
Бувим фариштага ўхшайди жуда,
Онам фариштанинг қизими?

Барибир булбулнинг боласи — булбул,
Онам — малакмисол бувимнинг қизи.
Синглимнинг малакдан нима фарқи бор?
Онам — фариштанинг нақ ўзи.

Онамнинг бармоғин излари бор нон,
Айт, қайлардан олдинг жаннат исини?

Азиз БЕК,
ЎзМУ журналистика факультети
1-курс талабаси

Xullas...

ҚАРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

Светлана Сирбанинг орзуси бойиб кетиш. Бунинг учун эса унга кимлардир эмигрант, яъни муҳожирликда бўлишни таклиф қилишмоқда.

Шундай қилиб, молдавиялик Светлана 500 долларни хорижга кетиш учун аямасдан сарфлаб юборди. 24 ёшдаги қиз Бирлашган Араб Амирликларида ишлаш учун аёл киши камида 30 ёш атрофида бўлиши кераклигини эшитиб, ўзини «қаритиш»дан ҳам тоймади. Бунга кўра, паспорт столидагилар таклиф қилинган пора эвазига унинг ёшини 33 ёш қилиб бердилар.

Афсуски, самолётга учиш олдидан бўлган текширувда синчков аэропорт ходимлари унинг ёши 33 да эмаслигини сезиб қолдилар. Светлана 500 долларга «чув» тушди, буниси ҳам майли-я, энди борига сабр-қаноат қилмаганлиги учун ўз мамлакатининг қонунчилигига биноан тегишли жазосини оладиган бўлди.

ЎЗИНИ-ЎЗИ ЖАЗОЛАШ

Краснодар ўлкасига қарашли посёлкалардан бирида узоқ йиллар эсда қолувчи воқеа содир бўлди. Шайтон васвасасига учган ўғри аёл марказий бозордан унчалик узоқ бўлмаган саноат моллари дўконидан мол ўмармоқчи бўлди.

У дўконда сигнализатор ўрнатилганини билмас эди. Сигнализатор эса қоровулдан ҳам ҳушёрроқ восита бўлгани боис, тезликда дўконга милиция ходимлари етиб келишди. Жингиллаган овоздан шошиб қолган ўғри ўзини улкан музлатгичга урди. Бахтга қарши, камера ўчириб қўйилган, маҳкам ва жипс ёпилган эшикдан ҳаво киролмас эди.

Жон сақлаш керак. Шовқин-сурон, бақирчақир тинишини кутиб, ўғри ҳавосиз музлатгичда бир соатча қолиб кетди. Яхшиямки, милиционерлардан бири музлатгичнинг эшигини очиб кўрди. Акс ҳолда ўғри бўғилиб, нариги дунёга равона бўларди.

Қиссадан ҳисса, ўғри аввало ўзини-ўзи жазолади ҳисоб. Орган ходимлари эса унинг ҳаётини-ку сақлаб қолишди, аммо жиноий жавобгарликдан эмас.

50 МЕТРЛИК ДАСТУРХОН

Кишинёвда яшовчи онахон Валентина Гайда Гиннеснинг рекордлар китобига киришга қарор қилди. Кампирнинг тўқувчилик билан шуғулланиши бунга замин яратди.

Спица(тўқийдиган асбоб) ёрдамида Валентина момо узундан-узоқ, яъни эллик метрлик дастурхон тўқишга киришди. Бунинг учун роппа-роса бир йил керак бўлди.

Бундай ҳашамдор, кўзни қувнатувчи ва ҳайратга соладиган дастурхон нафақат Кишинёвда, балки ҳеч жойда тўқилмаган. Тўрт центнер махсус ип сарфланган дастурхон ҳақиқатан ҳам рекордлар китобига мос воқеадир.

ana shunaqa gaplar

КАТТА КЎЧАНИНГ ОДАМЛАРИ

(Ҳажвия)

Яқин ўн йил ичида бундай қувонмаган эдим. Омон Эсоновнинг қабулларида бўлиб, қўлларидан чой ичдим-а. Худонинг берган кунида у киши билан рўбаро келаман. Китобдафтаримни қўлтиқлаб олганимча катта йўлдан мактабимга шошиламан. У киши бўлса ана шу катта йўлнинг ёқасида қурилган ва шаҳарнинг чиройига чирой қўшиб турган салобатли бино олдида, аниқ бир вақтда ишга келадилар. Муовин югуриб бориб машинанинг эшигини очади, қолган ходимлар мусибатда тургандек қўл қовуштириб қутиб олишади.

— Ассалому алайку-у-ум-м!

Омон ака кўзи ёришига саноқли дақиқалар қолган оғир оёқли аёл каби эҳтиёт бўлиб, шошилмасдан машинадан тушадилар. Гердайиб атрофга бир қур назар ташлайдилар. Мен танимасам ҳам кўчанинг бир одами сифатида у кишига одоб юзасидан эгилиб салом бераман.

— Ассалому алайку-у-ум-м!

Каттакон одамларнинг қараш ва ҳаракатидан бир олам маънони англаш мумкин. «Ваалайкум-у ассалом! Бола-чақаларинг соғу саломатми? Нима гап? Ҳа, домла... Ишлар қалай?» демасалар ҳам, қарашларидан мен шу маънони аниқ ҳис этаман. Эҳ-ҳе-е, бир кунда юзлаб, эҳтимол бундан ҳам кўп одам юзма-юз ёки телефонда «Ассалому алайкум ҳурматли Омонжон ака!» деб сўрай берса, ҳаммасига «Ваалайкуму ассалом!» дейишга вақт қани? Ошиб-тошиб ётган ишларни ким бажартиради? Ҳа, энди ўзларидан баланд